Mustaqil gazeta

HURRIYAT

O`zingni angla!

№ 45 (555)
2007-yil
31-oktabr

Газетамизга 2008 йил учун обуна давом этмоқда.
Муштарийларимиз сафида бўлинг!
Нашр кўрсаткичи – 233.

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ➲ Chorshanba kunlari chiqadi ➲ E-mail: hurriyat@mail.ru ➲ http://www.hurriyat.uz


Ўқувчини чалғитмайлик



Ўзбекистоннинг келажаги бўлган ёш авлод илк бор Ватанимиз ва жаҳон тарихини энг қадим замонлардан то ҳозирги кунга қадар объектив, батафсил ўрганиш имкониятига эга бўлди.

➪ 3-бет

Энг ихчам телевизор



Шу пайтга қадар жаҳондаги энг ихчам телевизор Жанубий Кореянинг Samsung компанияси томонидан яратилган эди. Эндиликда Hitachi янада кичикроқ ҳажмда маҳсулот чиқаришни жазм этган.

➪ 5-бет

ШЕЪРИЯТ ~ ҲАҚИҚАТ ДАРЧАСИ



Жаҳон билан бўйлашадиган ёзувчи ва шоирларимиз бор, худога шукр. Уларни кўрсата билишимиз керак. Бу орзу вақт-соати билан амалга ошади, деб умид қиламан.

➪ 8-бет

23 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари

Жамиятни янгилаш ва демократлаштириш борасидаги кенг кўламли ислоҳотлар ривожи фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини амалга оширишга ҳам узвий боғлиқ. Айниқса, демократик ислоҳотлар сайлов тизимини шакллантиришни ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари асосида амалга оширишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасида сайлов қонунчилигининг шакллантирилганлиги уни демократик тамойиллар асосида, ошкора тарзда ўтказиш имкониятини яратди. Шу боис, сайловчиларнинг сайлов жараёнларининг ҳамма босқичларидан хабардор бўлишига, ҳар бир номзод тўғрисидаги ахборотни сайловчиларга етказишга, айниқса, сайловчиларнинг ҳуқуқий маданияти даражасига ҳам бевосита алоқадор, албатта.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, "Сайловлар жараёнида ҳар қайси давлат, ҳар қайси жамиятда хилма-хил фикрлар, одамларнинг хоҳиш-иродаси, орзу-умидлари, ижтимоий кайфиятлари яққол намоён бўлади. Шу билан бирга ҳар қандай сиёсий ҳаракатлар ва кучлар сайловга тайёргарлик кўриши, ўз платформаларини аниқ белгилаб олиши — буларнинг барчаси табиий ҳол. Бусиз ўзи ҳаёт, тараққиёт бўлмайди".

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида сайлов ҳуқуқини амалга оширишга оид устувор қонун нормалари белгилаб берилди. Хусусан, Конституциянинг 117-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш - иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади.

Конституция ва бошқа қонунларда белгиланган бу қоидалар унинг демократик тусда эканлигидан ҳамда умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ қоидаларига тўла мослигидан далолат беради.

Давоми 6-бетда.

Фахр

Истиқлол кашф этган истеъдод

Илк бор фортепьяно қаршисига ўтирганда Элеанора 5 ёшда эди. Унинг жажжи бармоқлари клавишлар устида илк паллаларда ўқувсиз ҳаракатланса-да, мусиқани кучли ҳис қилиш қобилияти яққол намоён бўларди. Бундан қувонган онаси уни пойтахтимиздаги Республика махсус мусиқа академик лицейига етаклаб борди.



Бу ерда Элеанора маданиятимиз фидойиси, профессор Тамара Попович қўлида сабоқ ола бошлади. 9 ёшида ўзининг илк мусиқасини яратган қизалоқ бир йил ўтиб "Санъат ғунчалари" танловида биринчи ўринни қўлга киритди. Албатта, бунда мамлакатимизда санъат ва маданиятга қаратилаётган эътибор, айниқса, ёш авлоднинг орзу-интилишларини юзага чиқаришга йўналтирилган истиқлол имкониятлари муҳим аҳамият касб этди.

Хусусан, ушбу эътиборнинг самараси ўлароқ таъсис этилган "Ниҳол" мукофоти Элеанора Котлибулатова номини барча юртдошларимизга танитди. 2005 йил Мустақиллик байрами арафасида ойнаи жаҳон орқали Президентимизга миннатдорчилик билдирган истеъдод соҳибаси юртимиз ёшларининг фахрига айланди.

Бу йил эндигина 21 ёшни қаршилаган Элеаноранинг эришган ютуқларига ҳар бир ўғил-қиз ҳавас қилса арзийди. У ижодининг илк йилларидаёқ Латвияда бўлиб ўтган халқаро танловда учинчи, Қозоғистонда эса биринчи ўринни эгаллади. 2004 йил Францияда бўлиб ўтган Рубенштейн номидаги VII Халқаро танловнинг юксак мукофоти билан тақдирланди. 2005 йил Германияда «Zonta Prize» мукофотини қўлга киритди. 2006 йилда Малайзияда ташкил этилган пианиночилар баҳсида кумуш медаль соҳибаси бўлди.

Яқингача санъатимизнинг ёш ниҳоли ҳисобланган Элеанора ўзининг тиришқоқлиги ва қобилияти билан замонавий ҳамда классик мусиқанинг моҳир ижрочиси бўлиб етишди.

Бу эса юртимизда баркамол авлод тарбиясига катта эътибор берилаётгани, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаган, кам бўлмайдиган ҳам Ўзбекистон фарзандларининг юксак салоҳиятга эгалигини яна бир бор намоён этади.

Анвар САМАДОВ

Козим ЎЛМАСОВ олган сурат.

Жараён

Манфаатли ҳамкорлик давом этмоқда

Сурхондарё вилоят ҳокимлиги вилоят ҳудудида фаолият юритаётган республика газеталари мухбирлари билан ўзаро ҳамкорликни яхшилаш, уларга ахборот олиш ва етказиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш борасида муайян ишларни амалга оширмоқда. Бу йил биринчи марта оммавий ахборот воситалари вакилларини вилоятда аккредитациялаш тўлиқ амалга оширилиб, уларнинг ҳар бирига бу ҳақдаги тегишли ҳужжатлар тақдим этилди.

Айниқса, вилоят ҳокимлиги биносида республика газеталарининг вилоят мухбирлари учун махсус жиҳозланган хона ажратилгани эътиборга молик. Бу ерда журналистлар ўз таҳририятларига оператив маълумотлар етказишлари, шунингдек, қисқа муддатли хизмат сафарига чиқиш чоғида зарур бўладиган замонавий алоқа воситалари, компьютер ҳамда рақамли диктофон ва бошқа техник воситалар мавжуд бўлиб, улардан барча журналистлар фойдаланишлари мумкин.

Ўтган йилдан бошлаб эса вилоят ҳокими А. Эшмуродовнинг ташаббуси билан вилоятдаги республика газеталари мухбирлари ҳамда маҳаллий газеталар муҳаррирлари билан вилоят ҳокими, ҳоким ўринбосарларининг доимий учрашув-мулоқотлари ҳар уч ойда бир марта анъанавий тарзда ўтказиб келинади. Очиқ-ошкора тарзда ўтказиладиган бу учрашувларда вилоят оммавий ахборот воситаларининг фаолияти, уларда кўтарилаётган долзарб масалалар таҳлил этилмоқда. Вилоят ҳокимлиги томонидан ахборот олиш эркинлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, бу соҳада ўзаро ҳамкорлик самаралари хусусидаги ҳисобот, шунингдек, маҳаллий газета, телерадио таҳририятлари фаолияти ҳақида фикр-мулоҳазалар эшитилади.

Вилоят ОАВ вакилларининг фикрига кўра, бу каби тадбирлар ҳар икки томон учун манфаатли ва маъқул келмоқда.

Даврон ОРИПОВ,
«Ҳуррият» мухбири.

Хабар

Олий бизнес мактаби делегацияси Германияда бўлди

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Олий бизнес мактаби делегацияси бошқарув тажрибаси билан танишиш мақсадида Германияга ташриф буюрди.

Ўн кунлик сафар давомида ўзбекистонлик мутахассислар Пастки Саксония ерида — Целле шаҳрида бўлишди. Улар Пастки Саксония бошқарув академияси билан ҳамкорликда ташкил этилган



Европа Иттифоқининг иқтисодий сиёсати, стратегик бошқарув, суд тизими каби мавзулардаги семинарларда иштирок этишди. Олий бизнес мактаби делегацияси Schwickert GmbH, Cameron GmbH, MBL Maschinenbaubetriebe Lieb GmbH, Volkswagen AG каби маҳаллий компанияларда бўлиб, маҳсулот ишлаб чиқариш, мижозлар билан алоқалар, кадрларни бошқаруви ва маркетинг соҳаларидаги фаолиятни ўрганишди.

Ташриф давомида ҳамюртларимиз немис ҳамкорларга Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, турли жабҳаларда рўй бераётган улкан ўзгаришлар ҳақида ҳам сўзлаб беришди.

Олий бизнес мактаби вакилларининг Германияга сафари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ривожланиш дастури кўмагида уюштирилди.

Айтиш керакки, мамлакатимизнинг хорижий давлатлар билан барча соҳаларда ҳамкорлик муносабатлари йилдан- йилга кенгайиб боряпти. Мазкур тажриба алмашув сафари ҳам хориж мамлакатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик меваси бўлди.

С. САЛИМОВ

Матбуот

ХОЛИС ТАНҚИД
адолатга хизмат қилади

Ҳар тонг матбуот нашрларини кўздан кечирар эканмиз, суд-ҳуқуқ тизимига оид мақолаларга алоҳида эътибор қаратамиз. Хоҳ ўз фаолиятимизга доир бўлсин, хоҳ ваколатимиз доирасига кирадиган масала юзасидан бўлсин — ҳар қандай танқид ва эътирозларни тўғри қабул қиламиз. Ахир, эндиликда прокуратура фуқаролар устидан назорат қилувчи идора эмас, балки уларнинг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя этувчи органга айланди.

Албатта, бу борада халқнинг минбари бўлган оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, бугун матбуот нашрларидаги ҳуқуқий, танқидий мақолалар долзарблиги ва қизиқарлиги билан эътиборни тортади. Бу эса, ўз навбатида, соҳа ходимларини янада ҳушёр ва масъулиятли бўлишга ундайди. Фақат талаб ўша-ўша: билдирилаётган мулоҳазалар холис ва ҳаққоний бўлиш шарт!

Танқидий мақолалар юзасидан ўз вақтида (таҳририятнинг йўналтирувчи хатлари бўлмаса-да) жавоб йўллаш амалиёти йўлга қўйилганини бугун журналистларнинг ўзлари ҳам эътироф этишмоқда. Демак, ўзаро ҳамкорлик борасида сифатий ўзгаришлар бўлмоқда дейишга асос бор. Қолаверса, матбуотда чоп этилаётган танқидий мақолалар салмоғи анча ортгани ҳам эътиборга молик. Мақолаларнинг сони ҳақида сўз юритмаганимизнинг боиси шуки, айрим таҳририятлар муайян шикоят ёхуд журналист суриштирувлари бўйича Бош прокуратурага бевосита мурожаат қилишади ва мақола чоп этилмаса-да, масалага ойдинлик киритилади. Муҳими, икки томонлама ҳамкорлик натижасида фуқароларнинг барча мурожаатларига қонуний ечим топилмоқда. Жорий йил давомида турли марказий газеталарда босилган эллик еттита танқидий мақола тегишли прокуратура органлари томонидан ўрганиб чиқилди. Уларнинг 34 тасида баён этилган ҳолатлар ўз тасдиғини топган бўлса, бошқа мақолаларда бунинг аксига гувоҳ бўлдик. Танқидларнинг асосий қисмида тендер ўтказишдаги нохолисликлар, судларда фуқаролик, жиноят ёки хўжалик ишлари кўрилишидаги салбий ҳолатлар, мулк низоси ёхуд ижро тизимидаги муаммолар, дастлабки терговдаги баҳсталаб масалалар қаламга олинган.

Хусусан, «Халқ сўзи» газетасида чоп этилган «Тўқима айблов» (03.01.07й.), «Бировларнинг хатоси» (11.01.07 й.), «Жавоб — муфассал, масала — муаллақ...» (27.01.07 й.), «Зарарга мослаб қўйилган нарх» (02.02.07 й.), «Адолат тарозуси кимнинг қўлида?» (01.02.07 й.) ва бошқа мақолалар ўрганиб чиқилганда, ўз тасдиғини топди. Натижада «Тўқима айблов» қаҳрамони М. Нурмуродовга оид жиноят иши назорат тартибида ўрганиб чиқилиб, жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят суди Раёсатига протест киритилди. «Бировнинг хатоси» хусусида ҳам шундай дейиш мумкин. «Зарарга мослаб қўйилган нарх» мақоласи бўйича ўтказилган текшириш якунида дастлабки тергов жараёнида йўл қўйган камчиликлари учун Қўқон шаҳар прокуратураси терговчисига «хайфсан» берилди. Бундан ташқари, жиноят оқибатида етказилган зарарни қоплаш учун олинган товар-моддий бойликларини баҳолашдаги қонунбузарлик ҳолати бўйича ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилди.

Давоми 2-бетда.

Мулоҳаза

Дон ва нон қадри



"Ўтган асрнинг 30-йилларида биз ҳали ёш бола эдик, — деб ҳикоя қилади жиззахлик Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Босим Абдураҳмонов. — Жуда оғир йиллар бўлди — қаҳатчилик пайтлари. Энг ёмони шу экан: пул бор-у нон йўқ. Бу афсона эмас, ҳақиқат эди. Ҳа, биз нонинг одамдан азизроқ бўлган даврларини ҳам кўрганмиз..."

Бундай кўпни кўрган отахонларнинг сўзлари бежизга эмас. Нонни увол қилмаслик ҳақида нафақат бугун, балки доимо ёшларга уқтириб бориш лозим. Бошланғич синфларданоқ китобларга нон қадри ҳақида ибратли ҳикоятлар кўпроқ берилиши керак, назаримизда. Шундагина ҳали ҳаёт қийинчиликларини кўрмаган баъзи бир ёшлар кексалар панд-насиҳатини эшитганда энсаси қотмайди.

Бир пайтлар одамлар тўқликка шўхлик қилиб, нонни молга беришарди. Кўчага, ахлатхоналарга халталаб қотган нонларни ташлаб кетишарди.

— Нима кўп бўлса, шунинг қадрига етмайдилар, — дейди отахон. — Бўлмаса, нонни ҳам шу даражада беҳурмат қилишардими? Баъзи оилалар бор: қолган-қутган нонни қуритиб олиб қўйишади. Рўзғорига ишлатишади.


Сал кенгроқ нигоҳ билан қарайлик, бугунги кунда ҳам дунёда нон тақчил маҳсулот. Шунинг учун олимлар унинг ўрнини босувчи егуликларни ахтаришмоқда. Картошкани «иккинчи нон» дейишади. Нон дарахти ҳақида эшитгансиз. Гуруч каби донлар буғдойнинг ўрнини босиши мумкин, дейдиганлар ҳам топилади.

Давоми 2-бетда.

2007-yil 31-oktabr | O'zingni angla! Mustaqil gazeta HURRIYAT

Дон ва нон қадри

Давоми. Бошланиши 1-бетда.



Лекин барибир ҳақиқий ноннинг ўрни бўлакча. Фикримни ёшлигимда катта бувамдан эшитган ривоят билан давом эттирсам ўринли бўлар. Бир камбағал киши эшагига икки хуржун арпа-буғдой ортиб чўлда кетаётган экан. Қоқ саҳронинг ўртасида отига икки хуржун олтин-кумуш ортган бойга дуч келиб қолибди. Бой ялиниб-ялворибди, тиллоларини буғдойга алмаштиришни илтимос қилибди. Камбағалнинг қорни ҳозирча тўқ эмасми, олтин деса шошиб қолиб, хуржунга хуржун айирбошлаб юборибди. Чўлда йўлини йўқотган камбағал очликдан силласи қуриб жон бераркан, қумга шу сўзларни ёзиб кетган экан: "Арпа-буғдой ош бўлур, олтин-кумуш тош бўлур!" Бу бир ривоят. Лекин унинг замирида катта ҳаётий маънолар мужассам.

Дарҳақиқат, дастурхонларимизнинг кўрки, тириклик ва ҳаёт белгиси бўлмиш энг азиз неъмат — нон қадри ҳақида жуда кўп ҳикоятлар, мақоллар мавжуд. Ноннинг увоғи ҳам нон эканлиги, уни ҳамиша кўзга суртиб эъзозламоғимизда не ҳикмат бор?

Дунё яратилибдики, одамзот бу ҳаётда сув ва нон билан тирикдир. Асл ҳикматнинг мағзи ҳам ана шу оддий ҳақиқатдадир эҳтимол. Аммо ана шу азиз неъмат хусусида ҳамиша сўз юритмоқ, уни авайлаб асраш биз инсонларнинг бурчимиз бўлмоғи жоиз.

Бугун юртимизда тўкинчилик, минг бора шукр, нон ва нон маҳсулотларининг неча юз хил тури бор. Юртимизда ҳеч ким нонга зориқмай яшамоқда. Бунинг устига кўпгина юртлардагидан бизда нон — арзон!

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, биз бу кунларга осонлик билан етдикми? Ахир, мустақиллигимизнинг илк кезларини эсланг. Айниқса, 1991 йилнинг охири ва 1992 йилнинг бошида республикамизда кўп нарсаларда узилиш сезилди. Жумладан, дон ва дон маҳсулотлари танқислиги рўй бериб, бир муддат қийинчилик бўлган вақтлар ҳам бўлди.

Ана шунда Юртбошимиз ташаббуслари ва раҳбарлигида мамлакатимиз аҳолисини ўзимизда етиштирилган дон билан таъминлаш юзасидан махсус Дастур ишлаб чиқилди. Зеро, бу дастурдан мақсад, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турларини, жумладан, ғалла маҳсулотини ўзимизда етиштириш ва ана шу маҳсулот бўйича бошқа давлатларга қарам бўлиб қолмаслик масаласи нафақат иқтисодий, балки сиёсий мустақилликни ҳам таъминловчи муҳим омиллардан бири эди. Ана шу масъулият қисқа вақт ичидаёқ мамлакатда дон етиштириш ривожини яратди.

Айтайлик, 1990-1992 йилларда юртимизда жами ғалла майдони 770-870 минг гектар бўлган бўлса, шундан 220-300 минг гектари суғориладиган майдонлар эди. Ғалла майдонларининг кўпини (550 минг гектар атрофида) лалми майдонлар ташкил этар, лалмикорликда ҳосилдорлик 7,5-9 центнердан ошмасди.

1996 йилга келиб умумий ғалла майдони республикамизда 1116,2 минг гектарга етказилди. Ҳосилдорлик эса 1992 йилги 23,5 центнер ўрнига 2002 йилда 42,4 центнерга етди.

2002 йилда давлатимизда илк бор 5 миллион тоннага яқин ҳажмда дон етиштирилди!

— 2004 йилда 5,5 миллион тонна;

— 2006 йилда 6 миллион 100 минг тонна;

Бу йил, мустақилликнинг 16 йиллигида 6 миллион 250 минг тонна улкан ғалла хирмони бунёд этилди.

Бугун ана шу боис мамлакатимиз аҳолиси дон ва дон маҳсулотлари, демакки, биринчи ўринда нон билан барқарор таъминланди. Нафақат, ўзимизнинг таъминотимиз ҳал қилинди, балки дон ва дон маҳсулотларимиз бугунги кунда хорижий юртларга ҳам экспорт қилиняпти.

Ғалла мустақиллигига эришишнинг, албатта, ўзи бўлган эмас. Бу оқилона сиёсат қанчадан-қанча меҳнат, деҳқоналаримизнинг ғашаққати, шахсан Президентимизнинг халқона ғамхўрлиги натижаси туфайли қўлга киритилди. Шу ўринда айтиш керак, маълумотларга кўра бугунги кунда дунёда нонга эҳтиёжи қондирилмаган юртлар кам эмас. Жаҳонда 1 миллиарддан ошиқ инсонларнинг қорни нонга тўймас экан. Демак, бизнинг юртимиздаги тўкинлик, дастурхонларимизда нонимизнинг ҳамиша мавжудлиги катта бахтдир.

Улуғбек ЁРМАТОВ,
журналист.

Тадбир

Қиш мавсумига тайёргарлик

"Пойтахт" меҳмонхонасида аҳоли яшаш жойларининг кузги-қишки мавсумга тайёргарлиги бўйича мутасадди раҳбарлар ва журналистлар учрашуви бўлиб ўтди. Унда "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компаниясининг бошқаруви раиси Ботир Тешабоев, "Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси раиси ўринбосари Ўктам Эшмуродов, Тошкент шаҳар ҳокимлиги вакиллари ва ОАВ ходимлари қатнашдилар.



Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Матбуот хизмати раҳбари Шерзод Қудратхўжаев кириш сўзи билан очди. У қишда уйларнинг иссиқ бўлиши инсон ҳаёти учун энг зарурий шароитлардан бирилигини таъкидлар экан, бу масала доимо ҳукумат эътиборидалигини таъкидлади. Шундан сўнг сўз олган "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раиси Ботир Тешабоев журналистларни қилинаётган ишлар ва мавжуд имкониятлар билан батафсил таништирди.

— Ўтган йили кузги-қишки мавсумда келиб чиққан муаммоларнинг бу йил ҳам такрорланмаслиги учун барча чораларни кўриб қўйдик. Компания таркибига умумий қуввати 12 млн. кВт дан ортиқ бўлган 39 та гидроэлектр станцияси, 10,6 млн. кВт қувватлик 10 та иссиқлик электр станциялари киради. Регламентга кўра таъмирлаш ишлари йил давомида узлуксиз бажариб борилди. Шу йилнинг 9 ойида режадаги 72,2 млрд. сўм ўрнига 78,9 млрд. сўм сарфланди. Иссиқлик электр станцияларида зарур миқдордаги захиравий қаттиқ ва суюқ ёқилғи жамғарилмоқда. Бюджет соҳасидаги муассасаларга кўмир жўнатиш топшириғи тўлиқ 100 фоизга бажарилди. Республика Товар ва хомашё биржасига аҳоли учун 185,5 минг тонна кўмир ажратилди ва шундан 86 фоизи ўзлаштириб бўлинди. Ҳозирги кунда компаниянинг барча корхоналари ва ташкилотлари энергетик ускуналарни кузқиш даврига тайёрлашнинг якуний босқичига сафарбар қилинган. Тез орада электр станциялари белгиланган параметрларда энергия ишлаб чиқаришга тайёр бўладилар. "Ўзбекэнерго" компанияси томонидан кўрилаётган барча чоратадбирлар энергетика тизимининг барқарор фаолият кўрсатишини ва республика истеъмолчиларига электр энергиясини шартномавий мажбуриятларга мувофиқ бир текис етказиб беришни таъминлашга қаратилган.


"Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси раиси Ўктам Эшмуродов кузги-қишки мавсумда газни истеъмол қилиш табиий равишда ўсиб кетишини таъкидлаб, шундай паллаларда муаммолар келиб чиқмаслиги учун зарурий ишлар қилингани, катта ҳажмдаги газ захира сифатида олиб қўйилгани ҳақида ахборот берди. Тошкент шаҳар ҳокимлигининг ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси бош директори Бахтиёр Раҳмонов эса аҳоли турар жойларининг куз-қиш даврига тайёрлаш борасида қилинаётган ишлардан йиғилганларни бохабар этди. Берилган маълумотларга кўра, бугун пойтахтимизда 9006 та кўпқаватли уйлар бор. Уларда асосий таъмирлаш ишлари якунланган. 474 та маҳаллада аҳоли билан учрашувлар ўтказилди ва айтилган муаммолар бартараф этилмоқда.

Шундан сўнг тадбирнинг энг қизғин палласи бошланди. Журналистлар соҳадаги муаммолар ҳақида саволлар билан мутасаддиларга мурожаат қилишди. Барча саволлар ўз жавобини топди. Учрашувда айтилган гаплардан бир хулосага келиш мумкин: қишда уйларимиз иссиқ бўлади!

Фаррух ЖАББОРОВ

Қисқа сатрларда

Бугуннинг нафаси



● ***Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси 2007 йилнинг январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига доир маълумотларни эълон қилди. Жумладан, бу вақт мобайнида ялпи ички маҳсулот 9,8 фоиз, аҳоли тасарруфидаги реал пул даромадлари 22 фоиз, ўртача иш ҳақи эса 49 фоизга ўсган.***

● Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Япония ва Япония-Ўзбекистон қўмиталарининг тўққизинчи қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Тадбирда икки давлатдан энергетика, қишлоқ хўжалиги, сайёҳлик, транспорт, машинасозлик ва тўқимачилик сингари соҳаларда фаолият юритаётган мутахассислар қатнашди.

● ***«Экосан» халқаро ташкилотида «Экология ва саломатлик кунлари»нинг иккинчи босқич якунлари ва Конституция кунига бағишланган фаоллар йиғилиши ўтказилди. Унда учинчи босқичнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинди. Дастур доирасида 3 ноябрь куни умумреспублика экологик ҳашари ўтказиш режалаштирилган.***



● «Бунёдкор» ёшлар телеклубида «Ислом маданиятининг ривожида Ўзбекистоннинг тутган ўрни» мавзусида семинар ташкил этилди. Мутахассислар томонидан ўлкамиз нафақат ўтмишда, балки ҳозир ҳам ислом маданиятига катта ҳисса қўшиб келаётгани эътироф этилди. Биргина Бухорода бугун 10 та мадрасада диний таълим олиш мумкин. Учрашув ёшлар учун янгиликларга бой бўлди.

● ***Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институтида «Ўзбекистон Президенти сайлови кампаниясида сиёсий партияларнинг дастурий мақсадлари» мавзусида кеча бўлиб ўтди. Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Жиззах филиали ҳамда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ҳамкорликда ташкил этган тадбирда ижтимоий сўровлар натижаси кенг таҳлил қилинди.***

● Хитой Халқ Республикаси Юньнань провинцияси губернатори ўринбосари жаноб Хи Кемин бошчилигидаги делегацияни Бухоро вилоят ҳокими С. Ҳусенов қабул қилди. Мулоқот давомида туризмни ривожлантириш, бу икки шаҳар ўртасида ҳаво қатновини йўлга қўйиш, ишбилармонлар орасида алоқаларни ривожлантириш каби истиқболли масалалар муҳокама қилинди.



● ***Ўрта Чирчиқ туманида «Седма-450» андозасидаги янги коммуникация маркази ишга тушди. У «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг телекоммуникация тармоқларини реконструкция қилиш ва модернизациялаш инвестиция лойиҳаси асосида амалга оширилди. Марказ катта имкониятга эга бўлиб, сифатли телефон алоқаси ва юқори тезликдаги интернет хизмати билан таъминлашда қўл келади.***

● Бойсун туманида маиший хизмат касб-ҳунар коллежининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Коллеж 540 ўринга мўлжалланган бўлиб, билим олиш ва касб-ҳунар ўрганиш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Шунингдек, ўқув юртининг 150 ўринли ётоқхонаси ҳам талабалар хизматида.

● ***Сирдарё вилоятида шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқиш билан банд бўлган 16021 нафар фуқарога меҳнат дафтарчаси расмийлаштирилди. Шунингдек, бу фаолиятни қонунийлаштириш учун уч томонлама шартномалар имзоланди. Ҳозирда ҳудудий ижтимоий таъминот бўлимларида зарурий ҳужжатлаштириш ишлари олиб борилмоқда.***



● Тўрткўл туманида «Ёшлар маркази» иш бошлади. «Камолот» ЁИҲ туман бўлими қошида очилган марказда ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларга компьютер, бичиш-тикиш сирлари бепул ўргатилади. Ҳозирнинг ўзида сабоқлар бошлаб юборилди. Уларга 30 нафар бола жалб қилинган.

● ***Урганч шаҳрида «Хирургияда янги технологиялар» мавзусида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Иштирокчилар кейинги йилларда тиббиёт соҳасига жиддий эътибор берилаётганини таъкидлашди. Анжуманда мураккаб операцияларни ўтказишга ихтисослашган марказларни ривожлантириш, замонавий технологиялардан самарали фойдаланиш масалалари атрофлича муҳокама этилди.***

● Фарғона вилоят ахборот-кутубхона марказида Италия кино ҳафталиги ўтказилди. Кино байрами режиссёр Эмануэле Криалезенинг «Нафас» фильми намойиши билан бошланди. Италян кино усталарининг мазмунан теран фильмлари томошабинларни ҳаёт ҳақида, одамларнинг ўзаро муносабатлари ҳақида ўйлашга ундайди. Ҳафталик Италиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан ташкил қилинди.



● ***Навоий шаҳрида иш бошлаган «Бахт-текстиль» Ўзбекистон-Лихтенштейн қўшма корхонасида 1400 тоннага яқин пахта толаси қайта ишланди. Бу ерда тайёрланаётган калава ипга талаб тобора ортиб бормоқда. Корхона тўла қувват билан ишлай бошлагач, йилига 12 минг тоннагача калава маҳсулот ишлаб чиқаради.***

Голиб БАҲРОМОВ тайёрлади.

ХОЛИС ТАНҚИД
адолатга хизмат қилади

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Шунингдек, «Народное слово» газетасидаги (11.01.07 й.) «А в ответ — тишина...», «Думали холодов не будет» мақолалари бўйича ҳам тегишли прокурорлик таъсир чоралари кўрилди. Бироқ шу газеталарда босилган «Лоқайдлик» (12.01.07 й.), «Иморат бузилди. Ким айбдор?» (18.01.07 й.), «Незаконно, а значит — недействительно» (08.01.07 й.) каби мақолаларга нисбатан бундай илиқ фикр билдириб бўлмайди.

«Ҳуррият» — ўз саҳифаларида танқидий-таҳлилий мақолаларга кенг ўрин бериши билан тилга тушган нашр. Кейинги пайтларда мазкур газетада босилган қатор танқидий мақолалар юзасидан текширув ўтказган прокуратура органлари қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган шахсларга нисбатан жиддий чоралар кўрди. Бу борада газета мухбири У. Хўжаниёзовнинг «Қоринда қолган дока» (07.02.07й.) таҳририят номидан берилган «Сарсонлик ва мавҳумлик қачонгача?» мақолалари диққатга молик. «Қоринда қолган дока»да латифаларда учрайдиган кулгили, аммо аянчли воқеа қаламга олинган. Самарқанд вилояти Жомбой тумани марказий шифохонаси жарроҳи Ш. Деҳқонов фуқаро С. Нурматовани жарроҳлик йўли билан туғдиради. Аммо бемор қорнида 50-55 см. дока қолиб кетади. Оқибатда у саккиз ой азоб чекади... Мақола ўрганиб чиқилгач, ўз ишига жинояткорона муносабатда бўлган жарроҳ Ш. Деҳқоновга нисбатан ЖКнинг 116-моддаси билан жиноят иши қўзғатилди. «Сарсонлик ва мавҳумлик қачонгача?» мақоласи юзасидан ўтказилган текшириш жараёнида ҳам Китоб тумани ҳокимлиги мансабдор шахсларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари аниқланиб, ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми билан жиноят иши қўзғатилди.

Шу ўринда «Ҳуррият»нинг 18 апрель сонида босилган «Қонун кўз ёшларга боқмайди» сарлавҳали мақолага алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Ушбу мақолани ўқиган газетхон муаллифнинг нима демоқчи бўлганини дарҳол тушуниши қийин. Фақат қонунчиликдан бохабар одамгина мақолада «Қўқонбўрдоқичилик» МЧЖ ва улушдор Г. Солиева ўртасидаги мулкий низога оид масала қаламга олинганини аранг илғайди. Мақола шу даражада эътиборсизлик билан ёзилганки, муаллиф хатто қонунчиликнинг оддий алифбоси саналган «ҳукм» ва «ҳал қилув қарори» ўртасидаги фарқни билмайди. Шундай бўлса-да, прокуратура органлари томонидан фуқаролик иши ўрганиб чиқилди. Ўрганиш жараёнида судьялар томонидан адолат ва холислик тамойиллари бузилгани аниқланиб, фуқаролик ишлари бўйича Андижон вилоят суди Раёсатига назорат тартибида протест киритилди ва у қаноатлантирилди. Ушбу мисол айрим қаламкашларнинг «прокуратура танқидий чиқишларга етарлича эътибор бермаётир» қабилидаги эътирозларига муносиб жавоб бўлишига ишонгимиз келади.



Ўтган тўрт ой давомида «Моҳият» газетасида босилган танқидий мақолаларда қаламга олинган ҳолатлар юзасидан ҳам прокурорлик таъсир чоралари қўлланилди: «Ғирромлик» мақоласи (19.01.07 й.) бўйича тақдимнома киритилди; «Сохталаштириш бўлганми, йўқми?» мақоласида (16.02.07й.) қаламга олинган ҳолатлар юзасидан Олий хўжалик суди Раёсатига протест киритилди; «Очиқ қолган саволлар» (20.04.07й.) сарлавҳали мақола ўрганиб чиқилгач, унда баён қилинган воқелик бўйича жиноят ишини тўхтатиш ҳақидаги қарор бекор қилиниб, Юнусобод туман прокуратураси томонидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда. Ушбу нашрда чоп этилган «Суддаги ҳотамтойлик» (11.05.07 й.), «Ҳаракатсизликми, масъулиятсизлик» (01.06.07 й.) номли танқидий мақолалари эса айни пайтда ўрганилмоқда.

«XXI аср» газетаси ҳам «дадил нашрлар» қаторига кириб бормоқда. Газета саъй-ҳаракатлари билан кўпгина фуқароларнинг ҳуқуқлари тикланиб, муаммолар қонуний ечим топаётир. Буни газетада чоп этилган «Ғалати муносабат», «Сиз кимга эртак айтяпсиз?» (20.02.07й.), «Масъулиятсизликми ёки лоқайдлик?» (22.02.07й.), «Самарқандча хусусийлаштириш» (20.04.07 й.) номли мақолаларнинг натижаси кўрсатиб турибди.

Шундай чиқишлар сирасига «Ойни этак билан ёпмоқчи бўлишди...» («Ишонч», 10.04.07 й.), «Одамлар нега шикоят ёзишади?» («Қадрият», 17.02.07 й.), «Ферма сотилди, аммо...», «Бесамар танловлар» («Адолат», 17.02.07 й.), «Ирония судьбы...» («Зеркало XXI») сарлавҳали мақолаларни ҳам қўшиш мумкин. Ушбу танқидий чиқишлар юзасидан қонун бузилишига йўл қўйган мутасаддиларга нисбатан жиноят иши қўзғатиш даражасигача прокурорлик таъсир чоралари қўлланилдики, бу, албатта, таҳририятларнинг ютуғи.

Бироқ «Хато қилган ким?» (20.02.07 й.), «Қаршилар йўқ. Лекин...» («XXI аср», 28.03.07 й.), «Қозончининг эрки бор...», «Кўполлиги учун бўшатилди...» («Ишонч» 17.02-11.01.07 й.), «Кому платить долги?» («Правда востока», 16.02.07 й.), «Гувоҳлар инобатга олинмади», «Мен нима дейман-у, қўбизим не дейди...», («Ҳуррият», 28.03-25.04.07 й), «Уйнинг эгаси ким?», «Қимирлаган қир ошар...» («Инсон ва қонун», 20.03-15.05.07 й.), «Ҳужжатлар йиғиш, идорада сарғайиш...» («Адолат», 16.02.07 й.) каби бир қатор мақолаларда бирёқламалик кўзга ташланади. Суриштирсангиз, муаллифлар фақат адвокат тақдим этган хужжатлар билангина чекланиб қолишгани ойдинлашади. Ҳой, барака топкурлар, журналист билан адвокатнинг фарқи бор-ку!. Ахир, адвокат фақат мижоз манфаатини ҳимоя қилади. Журналистдан эса ҳар қандай ҳолатда ХОЛИСлик талаб этилади. Яна илм ва салоҳият лозимки, мухбир адвокат ёки иккинчи томон таъсирига тушиб қолмасин. Афсуски, айрим нашрларда («Ҳуррият» — «Мен нима дейману, қўбизим не дейди?», «Адолат» — «Ҳужжат йиғиш, идорада сарғайиш...») шунга ўхшаган ҳолатларни кузатиш мумкин...

Шу ўринда тасдиғини топмаган мақолалар бўйича қандай иш олиб борилади, деган савол туғилади. Бундай мақолалар баёнида киши шаъни ва қадр-қимматини камситувчи ҳолатлар учрамагани, муаллифлар томонидан ўртага ташланган маълумотлар нотўғри бўлмаса-да, уларни талқин этишдаги қарашлар прокуратура нуқтаи назарига мос келмагани, бу эса ҳар ким ўз фикрини эркин ифода этишдек конституциявий тамойилга зид эмаслиги боис тегишли таъсир чоралари қўллашни мақсадга мувофиқ эмас, деб топилди. Зеро, фикр айтиш эркинлиги — матбуотда оғизга келганини қайтармай гапираверишдеган маънони англатмаслигини муҳтарам қалам аҳли теран тушунадилар. Қолаверса, ўзлари чоп этган танқиднинг натижаси нечоғли бўлганига қараб, тегишли чора-тадбирлар белгилаб олишни таҳририятларга ҳавола этамиз. Пировардида, таъкидлашни истардикки, қонунийликни талаб қилаётган журналист, аввало, ўзи қонунга риоя қилишни ўрганиши, керак бўлса, ўзгаларга ўргатиши керак. Бу касбнинг машаққати, шу баробарида шарафлилиги, бизнингча, шундадир.

Хоҳлардикки, матбуотимизда муаммоларни ўртага ташлаш баҳонасида қонунчилик, ҳуқуқий тарғибот масалалари баландроқ мезонларда талқин этилса, ундан уч-тўрт одам эмас, бутун омма бирдек баҳра олса, нимадир ўрганса... Ҳуқуқий мавзуга алоҳида эътибор қаратаётган нашрлар фақат шикоят ўрганиш билангина андармон бўлмай, янги қабул қилинаётган қонун ҳамда меъёрий ҳужжатлар, уларнинг аҳамияти ва ижроси хусусида оддий тилда ёзилган мақолаларга ҳам кенгроқ ўрин берса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Зеро, ҳуқуқий тарғибот масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири экани барчамизга аён.

Светлана ОРТИҚОВА,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Матбуот хизмати раҳбари, адлия катта маслаҳатчиси.

“Менинг Конституциям” танловига

Халқ донишмандлиги ифодаси

Конституция нафақат бугунги куннинг, балки у эртанги кунимиз, қураётган жамиятимиз истиқболларини аниқлаб берувчи ҳужжат, фарзандларимиз йўлини ёритиб турғувчи маёқдир.

Ислом КАРИМОВ

Конституция ҳар бир мустақил давлатнинг жаҳон ҳамжамиятида обрўси, нуфузини таъмин этувчи муҳим рамзлардан бири саналади. Давлатчилик муносабатларининг пойдевори, барча қонунларнинг асоси бўлмиш Конституция, таъбир жоиз бўлса, мамлакатнинг том маънодаги мустақиллиги, суверен мақомини ҳам белгилаб беради. Шу боис ҳам Ўзбекистон истиқлолга эришган илк лаҳзаларданоқ Юртбошимиз томонидан мустақил ўзбек давлатининг бош қомуси — Конституцияни тайёрлаш ғояси илгари сурилди. Эндигина мустабидлик занжиридан халос бўлган давлатимиз учун Асосий Қонун жуда муҳим ва долзарб аҳамиятга эга эди. Зеро, озод мамлакатнинг келажаги ҳам, истиқболда қайси йўлдан бориши ҳам яратилажак Қомусга боғлиқ бўлиб қолган эди.

Конституция ҳар бир давлатнинг асосий тараққиёт тамойиллари, мақсад-интилишлари, кўп минг сонли халқнинг орзу-истаклари, хоҳиш-иродасини ифодаласи керак. Мустақилликнинг илк йиллари қанчалик мураккаб кечгани кўпчиликнинг ёдида. Эндигина тетапоя қилаётган ёш мустақил давлатимизни йиқитишга, оёқдан чалишга уринган ғаниимлар кўп эди ўшанда. Лекин барча қийинчиликларга қарамай Президентимиз Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси лойиҳасини тайёрлаш бўйича комиссия юқоридаги устувор талаблар ва юксак мақсадлардан келиб чиқиб иш олиб борди.

Конституциянинг дастлабки варианти 1991 йил октябрь-ноябрь ойларида тайёр бўлди. Ўзбекистон Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти, Сиёсатшунослик ва бошқарув институти ҳамда Президент девони юридик бўлими томонидан тайёрланган концепциялар асосида шакллантирилган дастлабки лойиҳа тўлдириш ва тузатишлардан кейин қайта ишлаш учун комиссия ихтиёрига ҳавола этилди. Шу тариқа мамлакатимиз Бош Қомусининг иккинчи, учинчи вариантлари тайёрланди. Бу жараёнда халқимизнинг етук олимлари, ҳуқуқшунослар, зиёлилар фаол иштирок этдилар. Конституциянинг якуний лойиҳаси тайёр бўлганидан кейин 1992 йил 26 сентябрида илк бор умумхалқ муҳокамасига қўйилди. Лойиҳа муҳокамаси қизғин баҳсу мунозарага айланиб кетди. Бу борада юртимизнинг турли ҳудудларида истиқомат қилаётган минглаб фуқаролар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.


1992 йилнинг 21 ноябрида Конституция лойиҳаси иккинчи марта умумхалқ муҳокамасига қўйилди. Лойиҳа муҳокамаси халқимиз маънавий салоҳияти нечоғли баландлиги, аҳоли сиёсий фаол ва юксак ҳуқуқий маданиятга эга экани, шу билан бирга юртдошларимиз қабул қилинаётган Асосий Қомусга катта ишонч ва умид билан қараётганларини кўрсатди. Муҳокама жараёнида 6 мингдан ошиқ таклиф, мулоҳазалар билдирилди, фуқаролардан 1000 дан ошиқ мактублар келди. Шу тариқа Конституция лойиҳаси турли касб, турли ёш ва турли миллат вакилларидан иборат фуқароларнинг бевосита иштирокида такомиллаштирилди. Асосий Қонун халқимизнинг сиёсий донолиги, юксак тафаккури ва донишмандлиги ифодаси бўлди.

1992 йил 8 декабрь мустақил ўзбек давлати тарихида алоҳида шонли сана сифатида қайд этилди. Шу куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн иккинчи чақириқ 11-сессиясида мустақил Ватанимизнинг Конституцияси қабул қилинди.

Ўзбекистон Конституцияси замонавий давлатчилик тажрибаси ва барча илғор ҳуқуқий билимларни ўзида мужассамлаштирган. Уни тайёрлашда халқаро ҳуқуқнинг барча умумэътироф этилган ҳужжатлари, Япония, Германия, Франция, АҚШ, Испания, Португалия, Швеция, Канада каби ривожланган давлатларнинг тажрибаси ўрганиб чиқилди. Мавжуд илғор тажрибалардан унумли фойдаланган ҳолда ҳуқуқий демократик давлат қуриш жаҳон тажрибаси, шу билан бирга мамлакатимизнинг демографик ва ижтимоий турмуш тарзи, миллий анъана, менталитет ва қадриятларни ўзида мужассам этган Конституция яратилди.

Асосий Қонуннинг қабул қилиниши кўп минг йиллик давлатчилик анъаналаримизни янада мустаҳкамлаш ва тенглар ичра тенг бўлган замонавий ўзбек давлатини ташкил этиш ҳамда тараққий эттиришга йўл очди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мазмун-моҳияти билан жаҳон конституциячилигининг барча талабларига жавоб беради. Президентимиз таъкидлаганидек, ***“Биринчидан, бизнинг Конституция ҳақиқатан ҳам демократик Конституциядир. Тарихда синалган умуминсоний, умумбашарий қадриятларни ўзида мужассам этган ҳужжатдир. Иккинчидан, бизнинг Конституция энг ривожланган, тараққий топган давлатларнинг тарихий тажрибасига таянган ҳолда яратилган, у дунё миқёсида ҳам ҳар қандай илғор давлат Конституция билан беллаша олади”.***



Дарҳақиқат, миллий Конституциямиз халқимиз иродаси, руҳияти, тафаккури ва маънавий салоҳиятини ўзида ифодалади, бир неча минг йиллардан буён авлоддан авлодга мерос бўлиб келаётган шарқона бошқарув ҳамда халқ билан бамаслаҳат сиёсат олиб бориш анъаналарини ўзида тўла мужассамлаштирди.

Абдуманноб РАҲИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва судҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси:

— Ҳар қандай демократик ҳуқуқий давлатнинг тараққий этишида фуқаролик жамияти учун умумий бўлган демократик институтлар муҳим аҳамият касб этади. Конституция фуқаролик жамиятининг ажралмас таркибий қисми бўлган демократик институтларнинг эркин фаолиятига кенг йўл очди, ҳурфикрлилик, виждон ва эътиқод эркинлиги каби умумэътироф этилган ҳуқуқларни қадрият даражасига кўтарди. Асосий Қонунда мустақил ўзбек давлатининг ташқи сиёсат борасидаги устувор тамойиллари аниқ-равшан белгилаб берилди. Бу эса халқаро муносабатларни янги асосда, миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда йўлга қўйиш имконини берди.

Мустақиллик Қомусида жамиятнинг иқтисодий негизлари кўрсатиб берилди. Унда илк бор “давлат — мулк соҳиби” деган мутлоқлаштирилган адолатсиз қараш бекор қилинди. Ўзбекистонда турли шаклдаги мулкчилик муносабатлари, хусусан, хусусий мулкка эга бўлиш ҳуқуқи кафолатланди.

Даврон АҲМЕДОВ, Тошкент давлат юридик институти доценти, юридик фанлар номзоди:

— Ўзбекистон Конституциясининг муҳим жиҳатларидан бири, унда фуқаро-жамият-давлат ўртасидаги муносабат тўғри ва оқилона тартибда ечилган. Асосий Қонуннинг энг марказий тушунчаси сифатида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари кафолатланган. Мустақиллик Қомуси деб ном олган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси унгача бўлган даврда амал қилган конституциялардан тубдан фарқ қилган ҳолда, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқларини олий қадрият сифатида эътироф этиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини давлат манфаатларидан устун қилиб белгилади. Давлат органлари, мансабдор шахсларнинг халқ иродасига бўйсуниши, улар фуқаролар олдида масъул экани алоҳида қайд этилди, демократиянинг энг устувор тамойили саналган халқ ҳокимияти принципи кафолатланди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Конституцияси жаҳоннинг етакчи сиёсатдонлари, олимлар, тадқиқотчилар, ҳуқуқшунослар томонидан юқори эътирофларга сазовор бўлиб келаётгани ҳам бежиз эмас. Хусусан, мустақил ўзбек давлатига бағишланган бир қанча мақола ва китоблар муаллифи, профессор Леонид Левитин Асосий Қонунимизнинг илғор хусусиятлари ҳақида шундай ёзади: “Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциясида ҳозирги замон жамиятларига уларнинг сиёсий-ҳуқуқий ташкил этилиш нуқтаи назаридан зарур бўлган деярли барча нарса мавжуд. Шахснинг мустақиллиги, ҳокимиятларнинг тақсимланиши, мулкдорлик шаклларининг хилма-хиллиги, мафкуравий ранг-баранглик, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий плюрализм, бошқариладиганларнинг розилигига асосланадиган ҳукумат сингари ва бошқа кўплаб демократик қадриятлар конституциявий тузумнинг принциплари сифатида тасдиқланади. Узоқ йиллар давомида тоталитар-мустабид тартиботнинг хомхаёл демократик ниқоби бўлиб келган турли кўринишдаги “шўрочиликлар” барҳам топтирилган”.

Яна бир таниқли олим, профессор Дональд Карлейл эса Ўзбекистонда собиқ шўро давлатлари орасида биринчи бўлиб, жуда тез муддатда мукаммал Конституция яратилганига эътибор қаратади. “У дунёдаги энг мақбул тузилишга эга Конституциялардан биридир”, — дея хулоса беради олим.

Ўзбекистон Конституцияси мана шу заминда яшаётган донишманд халқимизнинг юксак тафаккури, ижодкорлиги маҳсулидир. Қомусимиз моддаларига адолат, ҳақиқат, иймон, олижаноблик, мардлик, бағрикенглик, тантилик, қўйинг-чи, халқимизга хос барча улуғ фазилатлар сингдирилган.

Юртимизда истиқлол йиллари асрга татигулик ютуқларга ва муваффақиятларга эришилгани, иқтисодий, сиёсий, маданий жабҳаларда Ўзбекистоннинг нуфузи тобора мустаҳкамланиб бораётгани шу Ватаннинг ҳар бир фуқаросини қувонтиради. Айтиш керакки, бу каби улкан ютуқларга эришувимизда Бош Қомусимиз биз учун дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Камол САЛИМОВ

Аҳвол

Ҳаммамизга маълумки, мустақиллик йилларида республикамиз таълим тизимида ҳам туб ўзгаришлар бўлди. Давлатимиз раҳбари, қолаверса, халқ таълими вазирлигининг саъй-ҳаракатлари билан 1995 йилдан бошлаб, умумтаълим мактаблари учун (5-11 синфлар) янги дарсликлар, ўқув қўлланмалари яратила бошланди. Хусусан, «Жаҳон тарихи» ҳамда «Ўзбекистон тарихи» фанлари бўйича ҳам дарсликлар тайёрланиб қатор йиллар давомида нашр қилиниб келинмоқда.

Ўқувчини чалғитмайлик

ёки тарих дарсликларидаги айрим чалкашлик ва нуқсонлар ҳақида



Уларни яратиш учун бир қатор таниқли олимлар жалб қилинди. Ўзбекистоннинг келажаги бўлган ёш авлод илк бор Ватанимиз ва жаҳон тарихини энг қадим замонлардан то ҳозирги кунга қадар объектив, батафсил ўрганиш имкониятига эга бўлди. Биринчи авлод дарсликлари сўнгги ўн йил давомида чоп этилиб, уларда маълум ютуқлар баробарида камчиликлар, нуқсонлар ҳам кўзга ташланади. Сўнгги йилларда бошқа фанлар сирасида тарих дарсликлари ҳам тендер-танлов орқали ўтказилиб маълум ҳажмда нашрдан чиқарилмоқда. Муаллифларда аввалги нуқсон ва камчиликларни тузатиш имконияти пайдо бўлди. Лекин амалда айрим дарсликлар муаллифларининг эътиборсизлиги натижасида кўпгина камчилик ва нуқсонлар такрорланмоқда, ҳатто баъзида уларга «янги»лари қўшилмоқда.

Газета муштарийларини умумий мулоҳазалар билан толиқтирмаслик учун аниқ мисолларга ўтсак. Дастлаб А. Саъдуллаев, В. Костецкийларнинг «Тарих» 6-синф ҳамда Қ. Усмонов, У Жўраев, Н. Норқуловларнинг «Ўзбекистон тарихи» 8-синф дарсликлари бўйича ўз фикр-мулоҳазаларимни билдирмоқчи эдим. Жумладан, А. Саъдуллаев, В. Костецкийларнинг 1999 йил чиққан «Ўзбекистон тарихи» дарслигида «Замонбобо маданияти» ўлкамиздаги илк деҳқонлар манзилгоҳи сифатида м.ав. III-II минг йилликларга оидлиги таъкидланади. Ушбу муаллифларнинг 2005 йилги 6-синф учун тарих дарслигида (24-б.) худди шу макон энди м.ав. II минг йилликка мансуб”, деб ёзилган. Бу ҳолни қандай изоҳлашга ҳайронмиз. Асосий дарсликларда ушбу маданият III-II минг йилликларга оид деб ёзилган.

Аввалги дарсликнинг даврлар алоқадорлигига оид маълумотлари (102-б.) Исроил подшолиги м.ав. XI асрда вужудга келгани, м.ав. X асрда уни Довуд ва Сулаймонлар бошқаргани ёзилган ҳолда янги дарсликда “м.ав. IX асрда Фаластин ҳудудида Исроил подшолиги вужудга келди” (63-б.) дея ахборот берилмоқда. Ушбу саналар тест маркази томонидан олий таълим муассасаларига кирувчи абитуриентлар учун тестларга киритилган. Хўш, ўқувчи қайси жавобни олади? Қай тарзда икки дарслик чиқиши орасидаги олти йилда Исроил подшолигининг ташкил топишидаги фарқ асрларга тенг бўлади? “Жаҳон тарихи”дан дарсликларда Довуднинг (м.ав. 1000 — 965 йил) Сулаймоннинг (965 — 996 йй.) подшоҳлик қилгани ёзилганини таъкидлаш лозим.

Мидия давлатининг ташкил топиши олдинги дарсликда м.ав. VII-VI асрларда деб кўрсатилган бўлса (102-б.) янги дарсликда м.ав. IX асрга ўтган, дейилади. Илк подшо Киаксарнинг 672 — 653 йилларда ҳукмронлик қилгани, м.ав. VII асрда маданиятни ташкил топганини тасдиқлайди.

Албатта, кимдир бу нуқсонлар унчалик муҳим эмас, дейиши ҳам мумкин. Лекин тест топшираётган абитуриент нимага, қайси жавобга таяниши керак, кўзлаётган тестларда худди шу тарздаги номувофиқликлардан кенг фойдаланилишини тарихчи — ўқитувчилар яхши билишади. Ўқишга кириш учун тайёрланган қоракўзлар учун бу ҳол жуда муҳим рол ўйнайди. Уларни эса бундай пала-партишликлар билан чалғитиш жуда ноўрин ҳол, албатта.

Ушбу дарсликнинг 74-бетида Хитойнинг қадимги тарихи ҳақида маълумотлар берилар экан, давлатнинг шаклланиши м.ав. II минг йиллик охирида деб ёзилган ҳолда, уни Чжоу қабилалари ҳам м.ав. II минг йиллик охирида босиб олгани таъкидланади. Дарсликнинг 75-бетида “Гала шодликлар” даври мавзуси берилган, бу борада давлатларга нисбатан “гала” сўзи ишлатилиши жоизмикин, уни “кўп подшоликлар” деб номласа ҳам бўларди. Ёки ундан олдинги А. Кабировнинг “Жаҳон тарихи” дарслигидаги “беш ҳокимлик” даври ибораси қўлланилиши маъқул эмасмиди? Янги дарсликда “Сариқ рўмолликлар” қўзғолони м. ав. II асрларда бўлгани ҳам ўқувчини, қолаверса, тарих ўқитувчиларини чалғитиши аниқ. Негаки, муаллифларнинг олдинги дарслигида зардўштийлик дини асосчиси Зардўшт 40 ёшида пайғамбар бўлса, янги дарсликда, 30 ёшда, “Авесто”нинг матнлари м.ав. IV асрда тўпланган эса м.ав. III асрда деб “тузатилади”. Табиий бу маълумотлар ҳам тест маркази мутахассислари томонидан дарҳол фойдаланилади. Демак, ўқувчилар бу хилма-хил фактларнинг қайсисига таянишни билмайдилар.

Энди “Ўзбекистон тарихи” 8-синф дарслиги ҳақида айрим мулоҳазалар: Унинг янги нашридан аввал 1994 йилда проф. Розия Галиевна Муминова ва бошқаларнинг, 2000 йили Н. Норқулов, У. Жўраевларнинг яна бир дарсликлари чиққан. Сўнгги дарсликда У. Жўраев, Қ. Усмонов, Н. Норқуловлар муаллиф сифатида кўрсатилган. Дастлабки дарсликда Шайбоний Убайдуллохоннинг бошқаруви 1530 — 39-йиллар бўлса, иккинчисида 1533 — 39 йилларга “айланади”. Бухоронинг хонлик деб аталиши XVI асрнинг 60-йилларидан, XVI асрнинг 30-йилларига ўзгартирилади ва ҳоказолар. Ҳолбуки, тариҳдан барча дарсликларда Бухоро хонлигини ташкил топиши XVI асрнинг 60-йиллари деб ёзилган. Ажабланарлиси, маданий ҳаётга оид маълумотларда Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондларида сақланадиган ўнлаб, юзлаб табобат, коинотшуносликка, шеъриятга оид асарлар номлари, муаллифлари, уларнинг яшаган йиллари (48-б.) батафсил келтирилади. 8-синф ўқувчиси учун бу нарсаларни тарихдан билиш қанчалик зарурлигини айтиш қийин, лекин тестлар тузишда уларнинг қадри юқорилиги шубҳасиз.

“Ўзбекистон тарихи”нинг 8-синф учун 2006 йилда чоп этилган сўнгги дарсликка Қ. Усмоновнинг муаллифи сифатида қўшилиши янги “кашфиёт”ларга олиб келади. Фактларга ўтамиз: аввалги дарсликда Н. Норқулов, У. Жўраевларнинг 8-синф учун 2000 йил чоп этилган дарсликларида “мадрасада 24 йил ўқилади”, дейилган бўлса, янги дарслик китобда 21 (35-б.) тушириди. Субҳонқулихоннинг тахтга келиши 1680 йилдан, 1681 йилга ўтказилди. Бу рақамлар қайси муаллиф “ижоди” эканлиги ёки қандай тарихий манба асосида ўзгартирилгани бизга маълум эмас. Ахир ўқувчи бу “янгиликлар” учун кимгадир “раҳмат” айтиши керак. Мактаб ўқитувчиси бўлган ҳамда деярлик барча дарсликлар муаллифи ҳисобланган У. Жўраев наҳот тушунмаса. Ўзи муаллиф бўлган олти йил аввалги 8-синфлар учун нашр этилган “Ўзбекистон тарихи” дарслигида Қўқон хонлиги 1709 йили тузилган деса-ю, янги дарсликда 1710 йили (45-б.) деб кўрсатса? Бу дарсликда ҳам керак бўлмаган янги асарлар, янги муаллифларнинг исм-шарифлари қайд этишда давомийлик бузилмаган. Дарсликнинг 57-бетида Тиллакори мадрасаси 1646 — 1659 йилларда қурилгани ёзилса, илгариги дарсликда бу сана 1646 — 60 йиллар деб кўрсатилган эди.

Биз тарих дарсликларидан Бухорода манғитлар сулоласи 1753 — 1920 йилларда амирликни бошқарганини биламиз. Энди Қ. Усмонов ва У. Жўраевларга бу сана ёқмаган шекилли уни ҳеч қандай изоҳларсиз бу тарихий санани уч йилга камайтиришиб, 1756 — 1920 йиллар, Муҳаммад Раҳимхоннинг бошқарувини эса 1756 — 1758 йиллар дея (61-б.) ўзгартирганлар. Тасаввур қилингки, миллионлаб ўқувчилар шубҳа қилмаган ҳолда тарихни муҳтарам муаллифларимиз хоҳиш-иродаларига асосланган йиллар бўйича ўрганадилар. Сиз ва биз бунга эътироз билдирмаслигимиз керак, шекилли?..

Эҳтимол, кимдир буни техник хато дер, лекин бу тарихни қайтадан ёзиш ёки лоқайдликнинг бир намунаси эмасми?

Ўтмишнинг Хива хонлигига оид мавзуларда ҳам “янгиликлар” давом этади. Жумладан, олдинги дарсликнинг 95-бетида Муҳаммад Аминхоннинг бошқаруви йиллари 1845 — 1855 бўлса, 2006 йил нашр этилган 8-синф учун чоп этилган “Ўзбекистон тарихи”да 1846 — 1853 йиллар сифатида қайд этилган. Хонлик аҳолиси ҳам 800 мингдан 300 минг кишига тушиб қолган. Демак, 500 минг аҳолини икки дарслик орасида тушириб қолдиришган (99-б.) Навбатдаги «ихтиро» ушбу китобнинг 110-бетида бўлиб, муаллифлар энди жаҳон тарихига ҳам “ўзгаришлар киритиб”, Доро I нинг подшолигини аслида м.ав. 522 — 486 йиллар бўлгани ҳолда м.ав. 522 — 468 йилларга ўзгартиришади. Аммо, қизиғи шундаки, муаллифлар бу тарихий саналарни ўзгартиришга ҳеч қандай асос келтиришмайди. Бу ҳолдан ҳали ўқувчиларни айтманг, биз — тарихчи олимлар ҳам ҳайрону лолмиз.

Хулоса қилиб айтганда, мактаб ўқувчилари учун дарслик ёзиш ҳам масъулиятли, ҳам шарафли иш. Шундай экан, у барчамиздан жиддий эътибор талаб қилиши табиий.

Турсунбой САЛИМОВ,
Ўзбекистон Миллий университети тарих факультети археология-этнология кафедраси мудири, доцент.

2007 йил — «Ижтимоий ҳимоя йили»

Маҳаллада маслаҳат

Бугунги кунда Самарқанд шаҳрида 192 та маҳалла фуқаролар йиғини фаолият кўрсатиб келмоқда. Улар орасида «Мир Саид Барака» маҳалласида олиб борилаётган ишлар алоҳида эътибор ва таҳсинга лойиқ. 648 оилани ўз бағрига олган ушбу маҳаллада барча ташкилий-тарғибий ишлар намунали йўлга қўйилган. Бу ерда ўн олти миллат ва элат вакилларининг бир уруғ-аймоқдек яшаётганликларини кўриб юртимиздаги тинчлик-тотувлик, миллатлараро бағрикенгликнинг нақадар фазилатли эканига амин бўласиз.



— Йил бошида маҳалламиз фаоллари билан йиғилиб, юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий сиёсатни ҳаётга янада кенгроқ татбиқ этиш бўйича маслаҳатлашиб олгандик, — дейди Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган чорвадор, фуқаролар йиғини раиси Суннат Кубаев. — Шу асосда эътиборга муҳтож кишиларнинг яшаш шароитларини яхшилаш, кам таъминланган оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш тадбирларини амалга оширдик.

Шунингдек, маҳалла ҳудудида тозалик ва ободонлаштириш ишларига ҳам эътибор баланд. Кўклам арафасида маҳалладошларнинг ҳашари билан 2500 та мевали ва манзарали дарахтлар ўтқазилди. Коммунал тўловлар борасида ҳам «Мир Саид Барака» аҳли шаҳар маҳаллалари ичида илғорлар қаторида туради. Белгиланган тўлов ва мажбуриятлар ўз вақтида бажариб келинмоқда. Йил бошидан буён газ, электр энергия, сув, канализация бўйича тўланган коммунал тўловининг 10 фоизи ҳисобидан 310 оилага жами 12 млн.сўмга яқин моддий ёрдам берилди. Бундан ташқари кам таъминланган ва Самарқанд шаҳрида жойлашган 9,10,11-сонли Меҳрибонлик уйларида 30 нафар боланинг суннат тўйлари уюштирилди. Икки нафар талабага маҳалла жамғармаси ҳисобидан контракт пуллари тўланди. Яна икки нафар фуқарога 800 минг сўмлик ногиронлик аравачаси туҳфа қилинди. Бу каби хайрли ишлар ҳам шу маҳаллада яшаётган тадбиркорлар ташаббуси билан амалга оширилмоқда. Биргина жорий йилнинг 9 ойи ҳисобида улар жами 17 млн.сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатишди..Бу эса «Мир Саид Барака» маҳалласининг аҳил ва фаровон эканлигининг яна бир далилидир.

Убайдулла ХЎЖАНИЁЗОВ,
«Ҳуррият» мухбири.

2007-yil 31-oktabr | O'zingni angla! Mustaqil gazeta HURRIYAT

Теран илдизлар

Китоб – дўстлик элчиси

Туркманистонлик касбдошларнинг таклифи билан халқаро II китоб кўргазмаси ва "Олтин асрнинг олтин нашрлари" деб номланган илмий-амалий анжуманга иштирок этиш учун Ўзбекистондан ҳам республика ноширлар делегацияси таклиф этилган эди. Шу йил 16-18 октябрь кунларига мўлжалланган халқаро анжуманга етиб бориш учун Тошкентдан Урганчга, сўнгра Тошовуз шаҳри орқали Ашхободга учадиган бўлдик.



Таъбир жоиз бўлса, Туркманистон билан танишувимиз Тошовуз вилоят босмахонасидан бошланди. Германиянинг энг янги полиграфик машиналари билан жиҳозланган корхонада газета-журнал-китоб маҳсулотлари рангли, офсет босма усулида чиқади. Нашрга тайёрлаш ишлари энг сўнгги авлод компьютерларда CorelDRAW, PageMaker услубларида олиб борилади. Полиграфия мутахассислари Германия, Япония, Хитой, Туркия давлатларида малакаларини ошириб келишган. Бизнинг техник муҳарририимиз Дилдора Исамуҳамедова уларнинг ютуқларини кўриб, дизайнеру техник мутахассисларидан ажралолмай қолди. Куни кеча, сафаримиз арафасида Япония технологиялари кўргазмаси билан танишиб қайтган "Ўқитувчи" нашриёт-матбаа уйи директори Рустам Мирзаев туркман полиграфиячиларининг ишларини кўриб, соҳадаги ўзгаришлар ҳақида ижобий фикрларини билдирди.



Тошовуздан қарийб 100 километр узоқликда жойлашган қадимий тарихий шаҳар Кўҳна Урганч йўлида бир манзилда тўхтаб, "Тошкент Фарғонаси" номли ширин қовун тановул қилиб, деҳқонлар билан суҳбатлашдик. Қовун ихтирочиси — туркман деҳқони Фарғона водийсидан туширган келини шарафига шундай номни қўйганини айтди. Қишлоқ манзаралари худди Ўзбекистонимиздай. Катта-кичик карталарда очилиб ётган бўлиқ пахта далалари. Шолизорлар, сабзавоту полиз экинлари. Атрофи очиқ хонадонлар бостирмаларида қишга гамланган бедаю хашаклар хирмон-хирмон. Демак, чорва — тўқ, деҳқон рўзғори бут. Кўҳна Урганчда Шайх Нажмиддин Кубро, Маҳмуд Замахшарий сингари 360 авлиё ҳақларига дуойи фотиҳалар қилдик. Султон Текеш, Хоразм Маъмун академияси қўрғону мақбараларининг зиёратидан ўрта асрлар ҳатто милоддан олдинги цивилизацияга кириб қолгандек бўлдик. Саҳро ўртасида эртаклардагидай саройлар, нилий гумбазли обидалар. Атроф қум, саксовулзор. Нарироқда Имом ар-Розий мақбараси. Ушбу улуғ зиёратгоҳ ансамбли ҳақида тарихдан ўқиганларимни ҳамроҳларимга билганимча ҳикоя қилдим.

Ашхобод шаҳрининг 5 юлдузли "Оқ олтин" меҳмонхонасида бизни яқин қардошлардек кутиб олишди. Анжуманга муносиб тайёргарлик кўриш керак эди.

Уч қаватли, лифтлару эскалаторлар ёрдамида ҳаракатланадиган бизнинг "Экспомарказ" сифат муҳташам бинонинг 2-қаватида "Ўзбекистон" павильонини жиҳозладик. Дунёнинг 37 мамлакатидан делегациялар келган. Туркманистоннинг вилоятлари нашриёт ва босмахоналари, халқ хўжалигининг турли-туман тармоқлари ўз павильонларида маҳсулотларини намойиш қилмоқдалар.

Немислар, хитойлар, инглизлар, туркияликлар, Ҳамдўстлик давлатлари делегациялари павильонларида, асосан, янги, замонавий технология намуналарини кўрасиз. Бевосита китоб, альбом, плакат, журнал-газета маҳсулотлари намуналаридан иборат павильонлар ҳам бор. Президент девони масъул вакили, Маданият ва мезбонлар — Давлат нашриёти вазирликлари раҳбарлари, республика диний идораси муфтийси ва бошқалар кўргазмамизни катта қизиқиш билан томоша қилишди. "Ўзбекистон", "Шарқ", "Ўқитувчи" нашриётлари чоп этган тарихий шаҳарларимиз юбилей саналарига бағишланган альбомларни варақлашди. Айниқса, "Шарқ", Матбуот ва ахборот агентлигимиз тизимидаги нашриётларда чоп этилган туркман тилидаги дарслик китоблар, уларнинг полиграфик ижросининг юқори сифати дўстларимизни қойил қолдирди. "Адолат" нашриёти чоп этган Ўзбекистон Республикаси кодекслари Туркманистон Президенти вакилини қизиқтирди. Ушбу қонун ҳужжатларини намуна учун Туркманистон Президенти девонига қолдириш илтимоси амалга оширилди.

Умуман олганда, Ўзбекистон китоб кўргазмаси павильони – плакатлар, альбомлар, дарслик-қўлланмалар, кодекс ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўпламлари барча мамлакатлардан келган делегация аъзоларининг таҳсинига сазовор бўлди. Кўргазма-конференция очилишида 3-қаватдаги йирик анжуманлар залида Туркманистон Президенти Қурбонгули Бердимуҳаммедовнинг анжуман қатнашчиларига табрик хати ўқиб эшиттирилди.

Мезбонлар бизга ҳар куни Ашхободнинг диққатга сазовор жойларини кўрсатишди. Копетдоғ томонидаги Саломатлик йўли, Туркманистон мустақиллигининг 10 йиллигига ахалтекин отларига ўрнатилган ҳайкалу Ашхобод марказининг бетакрор, сўлим иморатлар мажмуини томоша қилдик. Нусей – қадим Нисо шаҳри харобалари – шаҳардан 25 километр ташқарига чиқиб, саҳро ўртасида жойлашган милоддан олдинги кўҳна Парфия пойтахти археологик қазилмаларини бориб кўрдик. Археологлар ер ости шаҳрини илма-тешик қилиб, 2500-3000 йиллик осори атиқаларни топишяпти. Бугун жаҳоннинг илғор цивилизацияси билан бўйлашиб, ўзини кўрсатаётган Туркманистон шаҳарсозлик, давлатчиликда тасодифий эмас, қадимий тарихга эгалигини исботлашга уринмоқда. Хусусан, зардўштийлик дини, буюк "Авесто" ибодатхоналари – 12 қиррали оташкадалар асосларини топиб, очиб кўрсатиб, қадимий ўлик шаҳарни зиёратгоҳга айлантириб қўйишибди.

Биринчи президенти туғилиб-ўсган Қипчоқ қишлоғида ўтган йили мавзолей — мусулмон мақбара-зиёратгоҳи қад ростлаган. Ташрифимиз мавзолей олди соқчилари алмашув вақтига тўғри келгани боис бу жараённи кўрдик.

Ашхободнинг муҳташам "Руҳият" номли маънавият, маърифат, маданият маркази бизнинг "Халқлар дўстлиги" санъат саройимизни эслатади. Ичкарида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Туркманистонга давлат ташрифи муносабати билан Ўзбекистон, Туркманистон санъат усталарининг бирлашган катта дўстлик концерти бўлиб ўтди. Соат 5 ларда икки қардош республика Президентлари Ислом Каримов ва Қурбонгули Бердимуҳаммедовлар кириб келишди.

Тантанада сўз олган Туркманистон Президенти Ислом Каримовнинг сиёсий дунёдаги мавқеини таърифлаб, тактикаси, стратегияси, тажрибаси жиҳатидан Ўзбекистон Президентини ўзининг устози деб атади. Ҳар бир ишда фақат ўз халқи манфаатларини ўйлаши, элим-халқим деб куйиб-ёнишини барча юртбошиларга ибрат сифатида таърифлади.

Ислом Абдуғаниевич ўзбек-туркман халқларининг қадимий, азалий ва абадий дўстлиги, қонқардошлиги, бу яқинликни мустаҳкамлаш йўлида янги босқичнинг пайдо бўлишида туркман элининг ёш раҳнамоси Қурбонгули Бердимуҳаммедовнинг хизматларини юксак баҳолади.

Томоша залида ҳозир бўлган туркман ва ўзбек халқлари вакиллари икки мамлакат раҳнамоларининг самимий дўстлиги, ўзаро иззат-ҳурматидан кўнгиллари чоғ бўлди. Айниқса, халқаро китоб кўргазмасида иштирок этаётган Ўзбекистон делегацияси вакилларининг қувончи ўзгача эди. Дунёнинг 37 мамлакатидан келган зиёлилар, ноширу олимлар Ўзбекистон Президентининг нечоғли халқаро юксак обрўга эгалигини ўз кўзлари билан кўришди, Юртбошимизнинг мазмундор нутқини ўз қулоқлари билан эшитишди. Туркман халқи, Президентининг Ўзбекистонга, ўзбек халқига, Ўзбекистон Президентига беқиёс меҳр-муҳаббатларининг гувоҳи бўлишди. Ўзбек-туркман санъаткорлари концерти ҳам юксак савияда бўлиб ўтди.

Қон-қардошлик, жон-жигарлик, ён қўшни — жон қўшничиликнинг янги босқичи бошланди. Бу Ўзбекистон Президенти, муҳтарам йўлбошчимиз, Ислом Каримовнинг туркман элига расмий сафари шарофатидан, албатта.

Маҳмуд САТТОРОВ,
"Адолат" нашриёти директори.
Тошкент — Ашхобод — Тошкент.

Ҳамкасб

Яхшилик хушхулқдадир

Билмадик, бир кишини таърифлаш учун қанча сифатлар керагу, оққўрғонлик Пардабой Эргашев ҳақида сўз кетганда қамровни каттароқ олиб фикр юритса бўлади. У дастлаб фельдшер сифатида Жўмард қишлоғи аҳлига хизмат қилган бўлса, кейинчалик сиртдан таълим олди ва ёш авлодга билим бера бошлади. Педагог сифатида у шунчаки "маъни ўргатувчи" эмас, балки касбига ижодий ёндашувчи мураббий сифатида танилди.

Бўш вақтларида услубий адабиётлардан ташқари маҳаллий ва марказий матбуот нашрларини мунтазам кузатиб борар, бўш қолди дегунча вақтини мутолаага бағишларди. У шунчаки газетхон ёки тингловчи эмас эди, балки ҳар бир ўқиган ёки эшитган воқелигига ўз нуқтаи назарини изҳор қиладиган ижодкор эди. Пардабой таҳририятларга хат йўллар, радиоэшиттиришларга фаол муносабат билдирарди. Унинг ўша пайтда анча эътиборли бўлган "Қармоқ" радиожурналига йўллаган бир лавҳаси ижодкорлар эътиборига тушди ва уни доимий ишга таклиф қилишди. Шундан кейин Пардабой Эргашевнинг узоқ йиллик фаолияти Ўзбекистон Миллий телерадикомпанияси билан боғланди. Бу ерда у соҳанинг етук мутахассислари, таниқли ижодкорлар билан танишди.

Катта ижод майдонида фаолият кўрсатиш Пардабой ака учун янги имкониятлар уфқини очди. У энди ижоднинг турли жанр ва йўналишларида ўз имкониятини синаб кўра бошлади. Деярли ҳар бир эшиттиришда унинг радиолавҳалари эфирга узатилар, шу куннинг қаҳрамонлари ҳақидаги ҳароратли дил сўзлари мухлислар қалбини ром этарди. Эндиликда унинг ижодий йўлига разм солсангиз, Пардабой Эргашев "Улар бир дунё", "Муҳаббат фожиаси", "Тўқнашув" сингари драмалар ёзгани ва улар ўз вақтида эфир орқали сценировка қилиб узатилганининг гувоҳи бўласиз. Тиниб-тинчимас қаламкаш булардан ташқари Оққўрғон туманидаги қатор хўжаликлар тарихини ҳам ёзди. Шу билан бирга ўзи билган ва эл эъзозига тушган кўплаб машҳур кишилар ҳақида тарихий-биографик қиссалар яратди. Булар ҳали Пардабой ака ижодий уфқининг жами тафсилотлари эмас. У ичакузди интермедиялар ёзган, фотосуратлар тушириб, газеталар саҳифаларини безаган.

Эътибор берган бўлсангиз, бир қишлоқ фуқароси сифатида умргузаронлик қилган инсон фаолиятнинг турли қирралари билан шуғулланган ва, не бахтки, ҳар бирида маълум муваффақиятга эришган. Бугунги кунда Пардабой Эргашевни Тошкент вилоятида, қолаверса, республикамизнинг кўплаб ҳудудларида яхши билишади. У бундай эътирофга ана шундай фидойилиги ва тиниб-тинчимаслиги туфайли эришди. Ижодкорнинг хурсанд бўладиган яна бир фазилати борки, у ўқитувчи ва қаламкаш сифатида кўплаб шогирдларга устозлик қилди, уларга ҳаёт сабоғини ўргатди. Бугунги кунда халқ хўжалигининг турли тармоқларида фаолият кўрсатаётган фан доктори, ҳуқуқшунос, шифокор ва бошқа касб эгалари бу инсон номини ҳурмат билан тилга олишади.

Албатта, инсонга кичкина эътибор ва эътироф ҳам беҳуда мушарраф бўлмайди. Пардабой акадан умр мазмуни, ютуқлари ҳақида сўралганда, у пайғамбаримизнинг ушбу ҳадисларини такрорлаш билан жавоб беради: "Барча яхшилик хушхулқдадир. Одамларга кенг қалбли бўлинглар, шунда одамлар сизларга шундай бўлурлар".

Худди ана шундай, табиатан самимий ва майин табассум чеҳрасини безаб турувчи Пардабой ака гарчи етмиш ёшни қаршилаётган бўлса ҳам ҳамон ўзини хайрли ишларга камарбаста деб билади ва одамларга эзгулик улашишдан чарчамайди.

Зебо АБДУҚОДИРОВА

Замонавий хореография сабоқлари

22-30 октябрь кунлари Тошкент хореография ва рақс институтида немис-француз санъат усталари билан ҳамкорликда мастер-класс машғулотлари ўтказилди. Замонавий хореография сабоқлари хорижлик санъаткорлар — Германиянинг Берлин шаҳридан ташриф буюрган Антониа Баер ва франциялик Алис Шоше томонидан олиб борилди.

Хореография сирларини ўрганаётган талабалар учун тажриба ва маҳорат мактаби бўлган тадбир Тошкентдаги Гёте институти ҳамда Виктор Гюго номидаги француз маданий маркази томонидан ташкил этилди.

Замонавий санъатнинг бошқа йўналишлари каби хореография соҳаси ҳам юртимизда яхши ривожланган. Санъатга меҳри баланд ёшлар орасида ушбу йўналишда ижод қилаётганлари ҳам талайгина. Бир ҳафталик машғулотлар давомида санъатнинг айни шу йўналишига қизиққан ёшлар ўз билим ва маҳоратларини ошириш имконига эга бўлишди. Хорижлик меҳмонлар санъатнинг илғор усулларини намойиш этар эканлар, юртимиз ёшларининг ижодий қобилияти ва салоҳиятига юқори баҳо беришди.

Зумрад ЛУТФУЛЛАЕВА

Обуна — 2008

Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари

ДИҚҚАТИГА!

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ва «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси, Ўзбекистон Республикаси ва Ҳамдўстлик мамлакатларининг вақтли нашрларига 2007 йил учун обунани расмийлаштириш давом этаётганлигини ҳамда 2008 йил учун обуна мавсуми қизғин паллага кирганлигини маълум қилади.

Вақтли нашрларга обунани расмийлаштириш Ўзбекистон Республикасининг барча алоқа бўлимларида, «Матбуот тарқатувчи» АКнинг обуна қабул қилиш бўлимлари ва компания таркибидаги шўъба корхоналари ҳамда масъулияти чекланган жамиятларда Сиз учун қулай бўлган вақтда амалга оширилади. Нашрларнинг барвақт етказиб берилиши ва мажбуриятларнинг тўлиқ бажарилиши кафолатланади.

Сиз ана шу ҳақда қизиқтирган барча саволлар бўйича қуйидаги телефон рақамларига мурожаат қилишингиз мумкин: 133-08-34, 134-85-99

Фаолият

Файзли дўконлар

данғараликлар хизматида

Сир эмас, кийинги йилларда туман марказидан олис қишлоқларда "Матлуботсавдо"га қарашли дўконлар фаолияти қониқарли ҳолда эмасди. Намунали савдо хизмати кўрсатиш учун эса — даврга мос ишлаш, тадбиркорона фаолият зарур эди.

Бундан бир неча йил бурун Данғара тумани "Матлуботсавдо" ҳиссадорлик жамияти ҳиссадорлар йиғилиши ўтказилиб, ташкилотда 1985 йилдан буён кадрлар бўлими бошлиғи ишлаб келаётган, тадбиркор ва ташаббускор аёл Муҳаббат Бойтемировани жамият раҳбари этиб сайлашди. Ишлар аста-секин қанот ёза бошлади. Тадбиркор аёл банкротлик ёқасига келиб қолган ташкилотни оёққа турғазиш учун елиб югурди. Вилоят ва туман ҳокимлигидаги соҳага дахлдор мутахассисларнинг ёрдами ҳамда бир қатор улгуржи савдо корхоналари, банк раҳбарлари билан тил топишиб, тизимни қарздорлик ботқоғидан олиб чиқиб, ривожланиш босқичига олиб кирди. "Матлуботсавдо" тизимида илгари ишлаб кетган қишлоқда савдо маданиятини шакллантирган сотувчиларни соҳага жалб этди. Уларнинг кўмагида бир неча йилдан буён қишлоқда ҳувуллаб ётган дўкон эгаларига зарурий кўмак берилди. Шу асосда қишлоқ дўконлари пештахталарига файз кира борди.

Аҳоли эҳтиёжи учун керак бўлган кундалик истеъмол маҳсулотлари — ун, шакар, ўсимлик ёғи, туз ва бошқа маҳсулотлар дўконларда ҳозирланди. Бундай қулайликлардан баҳраманд бўлаётган қишлоқ аҳли сотувчи ва тизим раҳбарларидан мамнун бўлишяпти.

— Бир неча йил савдо соҳасида ишлаганман, лекин аҳолига керак бўлган маҳсулотларни ҳар доим ҳам муҳайё этиш қийин кечарди — дейди меҳнат фахрийси Рустамжон ота Дадажонов. — Яқин йиллар ичида туманимиз "Матлуботсавдо" тизимида раҳбарлар қўнимсизлигига барҳам берилди. Муҳаббатхондек тадбиркор, тиниб-тинчимас савдо фидойиси ташаббуси билан қишлоқ савдоси ривож топди. У киши бизга ўхшаш фахрийларни йиғиб байрам ва яхши кунларда тадбир ташкил этиб, ҳолимиздан хабар олиб турибди.



Туманнинг Сойшилдир, Қумқияли, Найманча, Гулбой қишлоқларида ташкил этилган савдо шохобчаларида аҳоли эҳтиёжи учун зарур маҳсулотлар пешма-пеш етказиб берилмоқда. Айниқса, туман марказидаги савдо марказида кенг таъмирлаш ишлари олиб борилиб, шу соҳада фаолият олиб бораётган тадбиркорлар учун қулайликлар яратилди. Яқин кунлар ичида фойдаланишга топшириладиган супермаркетни ҳисобга олганда бугун Данғара туманидаги "Матлуботсавдо"нинг дўкон ва савдо шахобчалари сони 66 тага етди.

— Самарқанд Кооператив институтига ҳужжатларимни топшириб, имтиҳонларга 3 кун қолганда, дўстларимнинг маслаҳати билан Самарқанд давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетига ўқишга кирдим, — дейди ҳиссадорлик жамияти раиси Муҳаббат Бойтемирова. — 1982 йил ўқишни битирган бўлсак, менга 31 нафар олийжаноб курсдошлар билан таҳсил олиш насиб этди. Гуруҳимизда Шоира, Куббаро, Замира исмли дўстларим қатори мен ҳам таҳсил олиб, талабалик олтин даврини ўтказдик. Яна мени шу нарса қувонтирадики, бир қанча курсдош йигитларимиз бугун эл хизматида турли соҳаларда обрў-эътибор топиб ишлашяпи. Уларнинг айримлари билан учрашиб турамиз. Мен уларнинг барчаси билан доимий мулоқотда ва турли хайрли тадбирларда кўришишни орзу қиламан. Ҳуқуқшунос бўлсам-да, тақдир мени барибир кооперация, матлуботсавдо соҳасига етаклаб келди. Шу файзли даргоҳда ишлаш менга бахт, омад келтирди.

Аҳоли билан айниқса, соддадил қишлоқ аҳли билан ишлаш, уларнинг оғирини енгил қилиш, керак бўлган пайтда моддий, маънавий кўмак бериш менга завқ берди — дейди Муҳаббатхон тўлқинланиб.

Данғарада "Матлуботсавдо" тизимига қайтадан асос солинмоқда. Хусусий дўкондорлар билан баҳамжиҳат меҳнат қилаётган савдо фидойилари "Таъминотсавдо", "Нон корхонаси", "Умумий овқатланиш" каби бир қатор шўъба корхоналар қаторига келгусида тармоқни янада кенгайтириш, халққа беминнат хизмат қилишдек савобли ишлар бўсағасида туришибди.

Ҳикматулло ҚОДИРОВ,
"Ҳуррият" мухбири. ®

Фаолият

Қулай, тезкор, ишончли

хизмат кўрсатиб, АТ "Ипотека банк"нинг Сурхондарё филиали жамоаси мижозлар олқишига сазовор бўлмоқда

2007 йил Термиз шаҳрида истиқомат қилувчи Тўрақул Тўралиев учун қувончли келди. Чунки унга ёш оила сифатида АТ "Ипотека банк"нинг Сурхондарё филиали томонидан уй-жой сотиб олиш учун 10 миллион 850 минг сўм имтиёзли кредит берилди. Ёш оила Президентимизнинг ғамхўрлиги, республика ҳукумати саъй-ҳаракати ва банкнинг мадади билан орзусига эришди. Фаровон турмуш кечириш учун муҳим омил бўлган уй-жой сотиб олиш имкониятига эга бўлди.

— Президентимиз томонидан 2007 йилнинг "Ижтимоий ҳимоя йили" деб аталгани ҳамда бу борада Давлат дастурининг қабул қилингани бошқа молия муассасалари қаторида банкимиз жамоаси зиммасига ҳам янада катта масъулият юклади, — дейди акциядорлик тижорат "Ипотека банк" Сурхондарё филиали бошқарувчиси Улуғбек Қулматов. — Жорий йил бошиданоқ амалга ошириладиган ишлар кўлами белгилаб олиниб, улар ижросини таъминлаш изчил назорат қилиб бориляпти. Хусусан, "Истеъмол кредити тўғрисида"ги ва "Ипотека тўғрисида"ги қонунлар ижросини таъминлаш мақсадида маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилган товарларни сотиб олиш, шунингдек, аҳолининг талаб ва истаклари инобатга олиниб, уларга уй-жой қуриш, сотиб олиш ҳамда уй-жойларини таъмирлашлари учун имтиёзли кредитлар ажратилмоқда. Йилнинг ўтган 9 ойида банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан ана шундай 52 та оилага 514 миллион 320 минг сўм миқдорида турли муддатлар билан кредитлар берилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2007 йил 18 майда имзоланган "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони эндигина тетапоя бўлаётган ёш оилаларга бўлган ғамхўрликнинг яна бир намунасидир. Қисқа муддатда банкимиз томонидан 9 та ана шундай ёш оилаларга уй-жой ва зарур жиҳозлар сотиб олиш учун 102 миллион 740 минг сўмлик имтиёзли кредит ажратилди. Бу йўналишдаги ишлар келгусида ҳам изчил давом эттирилаверади.


Қайсиким муассасаларда бўлмасин, мурожаат этган ҳар бир фуқарога яхши муомала қилган, саволларга жавоб бера олган ташкилотга ҳар қандай кишининг ишончи ортаверади.

— Юртбошимизнинг биз ёшларга бўлган катта эътиборидан хурсандмиз, — дейди термизлик Сайёра Турдиева. — Жорий йилнинг 18 майидаги қарорини эшитиб елкамиздан тоғ ағдарилгандек бўлди. Шу заҳотиёқ турмуш ўртоғим билан ана шу банк раҳбарларига келиб учрашдик. Улар бизга ипотека кредити тўғрисида тўлиқ тушунча бериб, барча зарурий ҳужжатларни тайёрлаб келишимизни ҳамда керакли миқдорда кредит беришларини айтишди. Банк ҳисобидан қисқа муддат ичида уй жиҳозларини сотиб олиш учун 10 миллион 600 минг сўмлик имтиёзли кредит олдик. Бундай ғамхўрлик учун ҳукуматимиз ва банк раҳбарларидан миннатдормиз.

Бугун бозоримиз ўзимиздан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тобора тўлиб бормоқда. Улар сифати, рақобатбардошлиги билан хорижникидан қолишмайди. АТ "Ипотека банк" томонидан маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилган ана шундай маҳсулотларни сотиб олиш учун истеъмол кредитлари ажратишга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, банк мутасаддиларининг айтишича, жамғарма маблағлари ҳисобидан ана шу мақсадлар учун 14 нафар фуқарога йил охиригача яна 233 миллион 250 минг сўм миқдорида кредит бериш режалаштирилмоқда.

Вилоятда ялпи маҳсулотнинг асосий қисми қишлоқ хўжалик соҳасига тўғри келади. Банкнинг кооператив мижозлари орасида иқтисодиётимизнинг турли тармоқларига мансуб, мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхона ва ташкилотлари бор. Банк ташкил топган кунданоқ мижозлар билан доимий мулоқот, уларнинг муаммоларига бўлган эътибор, ахборотнинг очиқ-ойдинлиги улар сонининг сезиларли даражада ўсишига олиб келди. Бугунга келиб мижозлар сони 3250 тани ташкил этади. Узоқ туманлардаги доимий мижозларнинг ҳар қандай муаммоларини ўз вақтида ҳал этиш учун Шеробод, Денов, Олтинсой, Жарқўрғон, Шўрчи каби туманларида минибанк ва 20 та жамғарма ғазналари фаолият юритмоқда.

Янги ташкил этилган ишлаб чиқариш корхоналарини қўллаб-қувватлаш мақсадида турли молиялаштириш манбалари асосида микрокредитлар ажратиш ва шу баробарида янги иш ўрни яратишда банк томонидан катта эътибор қаратилаётир.



Йилнинг ўтган даври мобайнида мижозларга 9 миллиард 542 миллион 198 минг сўмлик турли муддат билан кредитлар берилганлиги ҳам бунинг яққол исботидир.

Бугунги кунда муомалада нақд пул ўрнига пластик карточкалардан фойдаланиш оддий ҳолга айланмоқда. Банк томонидан фуқароларга 14 минг 152 та пластик карточкалар тарқатилган бўлиб, жойлардаги ишлаётган 55 та терминаллар ёрдамида улар истаган тўловларини амалга оширишлари мумкин.

Аҳоли қўлидаги бўш пул маблағлари омонотларга жалб этиш мақсадида "Олтин хирмон", "Фазо", "Олтин куз", "Семурғ", "Антиқа", "Истиқбол" каби турлари жорий этилган. Бу борада ҳам муайян ишлар олиб бориляпти.

— Жойларда иш юритаётган минибанкларимизда етакчи мутахассислардан ташкил топган ишчи-маслаҳат гуруҳлари тузилган. Улар мижозларни қизиқтирган барча саволларга жавоб беришади. Шунингдек, "Тадбиркорлар бурчаги" ҳамда "Ишонч телефонлари" ташкил этилди. Ҳар бир саъй-ҳаракатимизда мижоз ва омонатчиларимиз манфаатларини биринчи ўринга қўйишга катта эътибор қаратганмиз. Чунки бугунги давр "Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун" деган ақида асосида эътибор беришни тақозо этмоқда, — дейди филиал бошқарувчиси.

Қисқа қилиб айтганда, ушбу банк жамоаси фуқаролар учун қулай, тезкор ва ишончли ҳамкор бўлиб қолмоқда. Бунда эса икки томон — мижознинг ҳам, банкнинг ҳам манфаатдорлиги ошиб бораверади.

Очилди ОЙНАЗАРОВ ®

Сингапур ҳарбий ҳаво салоҳиятини оширмоқда




Сингапур F-15 русумидаги қирувчи самолётлари миқдорини оширишни режалаштиряпти. 2005 мамлакат ҳарбий ҳаво кучлари учун 12 дона F-15SG қирувчи самолёти харид қилинган эди. Янги ҳарбий техника A-4 Skyhawk типидаги машиналар ўрнига олинганди.

Шу кунларда Сингапур мудофаа вазирлиги яна саккизта самолёт сотиб олишга ҳозирлик кўрмоқда. АҚШда ишлаб чиқарилган ана шу самолётларни етказиш 2010 йили бошланади.

F-15SG самолётлари мутахассислар томонидан ушбу оилага мансуб энг мукаммал техника сифатида баҳоланган. Ҳарбий техника ҳаво ва ер шароитида турли замонавий қуролларни ишлатиш имконига эга. Бундан ташқари, ундан ҳаво ҳужумидан мудофаа мақсадида ҳам фойдаланиш мумкин.

Иркчилик учун кечирим сўради


Нобель мукофоти соҳиби Жеймс Уотсон жаҳон жамоатчилиги томонидан иркчилик деб баҳоланган сўзлари учун кечирим сўради.



Бундан икки ҳафта муқаддам The Sunday Times газетаси генетика соҳасида етакчи олим саналган Ж. Уотсоннинг Африка халқларининг интеллектуал салоҳияти оқ танли кишилар билан бир хил эмас, деган мазмундаги сўзларини иқтибос сифатида келтирган эди.

Бу сўзлар жаҳон жамоатчилиги томонидан кескин танқидлар билан қабул қилинди. Пировардида олим Африка халқлари генетик даражаси тўғрисида айтилган сўзлар уларни ирқий камситиш мақсадида айтилмагани, шундай бўлса-да, бунинг учун узр сўрашини билдирди. Шунингдек, Нобель мукофоти соҳиби инглиз газетаси келтирган иқтибоснинг ҳаққонийлигига ҳам шубҳа билдирган.

Hitachi энг ихчам телевизор ишлаб чиқаради



Hitachi компанияси яқин кунларда дунёдаги энг ихчам телевизорлар ишлаб чиқара бошлайди. Айни пайтда янги маҳсулот компания ходимлари томонидан лойиҳалаштирилмоқда.

Айтиш керакки, шу пайтга қадар жаҳондаги энг ихчам телевизор Жанубий Кореянинг Samsung компанияси томонидан яратилган эди.

Эндиликда Hitachi янада кичикроқ ҳажмда маҳсулот чиқаришни жазм этган. Жорий йилнинг декабрь ойида сотувга чиқариладиган телевизорнинг қалинлиги бор-йўғи 3,5 сантиметрни ташкил этади.

Экран ҳажми 42 ва 37 дюймли V-42 ва V-37 номли телевизорлар тасвирни юқори аниқликда кўриш имкониятини беради. Шу билан бирга мазкур техника HDMI ва D-Sub портларига эга. Портлар воситасида телевизорни компьютерга улаш мумкин. V-42 ва V-37 типидаги телевизорлар 2000 дан 3750 АҚШ долларигача баҳоланмоқда.

Компания бундан ташқари V-42 типидаги мукаммалаштирилган техника чиқаришни ҳам режалаштирган. Келгуси йилнинг апрелида техника бозорида пайдо бўлиши кутилаётган мазкур телевизорлар юқори сифат ва аниқлиги билан ажралиб туради.

ХАЛҚАРО ВОҚЕАЛАР

GLOBUS


INTERNATIONAL LIFE

Доминиканада тропик тўфон

Доминикана Республикасида душанба куни бошланган "Ноэль" тропик тўфон пайтида 20 дан ошиқроқ киши ҳалок бўлди. Табиий офатдан асосан мамлакатнинг Испаньола ороли аҳолиси жабр чекди. Тўфон пайтида 30 га яқин киши бедарак йўқолди.

Айни пайтда Доминикана-даги барча мактаб ва дўконлар ёпиб қўйилган. Шаҳарлар ўртасида транспорт қатнови ҳам тўхтатилган.

Мутахассисларнинг тахминига кўра, тропик тўфон бундан буён Багама ороллари томон ҳаракатланади. Агар мазкур тахмин тасдиқланса, табиий офатдан Марказий Америкадаги яна бир давлат — Гаити аҳолиси ҳам азият




чекиши мумкин. Ҳозирда Гаити раҳбарияти тропик тўфон хавфини камайтириш йўлида чора-тадбирлар олиб бормоқда.

Дараклар

Режиссёр Рон Говард "Фаришталар ва шайтонлар" деб номланган бадиий фильмни суратга олишга ҳозирлик кўрмоқда. Янги кинокартина Ғарб мамлакатларида машҳур бўлиб кетган "Код да Винчи" бадиий фильмининг давоми саналади.

"Код да Винчи" фильмининг мантиқий давоми



Янги фильмни суратга олиш жараёни келгуси йилнинг февралида бошланади. "Фаришталар ва шайтонлар" кинокартинаси ёзувчи Дэн Брауннинг шу номли асари асосида тасвирга олинади.

Фильмда асосий қаҳрамон саналган профессор Роберт Лэнгдон ролини таниқли актёр Том Хэнкс ижро этади. Асар сюжетига мувофиқ, бош қаҳрамон сирли фитналарни фош этиш йўлида кураш олиб боради.

Айни пайтда фильм сценарийси муаллиф Акива Голдсман асар устида ишлашда давом этмоқда. "Фаришталар ва шайтонлар" фильми сценарийси жорий йилнинг ноябрига қадар тайёр бўлиш лозим.

Эслатиб ўтамиз, режиссёр Рон Говарднинг "Код да Винчи" фильми сўнгги йилларда энг кўп даромад келтирган кинокартиналардан бири саналади. Фильм ижодкорлари асарнинг дунё кинопрокатларидаги намойишидан 758 миллион АҚШ доллари миқдорида даромад олишган.

Буюк Британия банк тизими учун жорий молия йили сўнгги чорак асрдаги энг оғир давр бўлди. Англия банки томонидан мамлакатдаги молия муассасаларининг иқтисодий барқарорлиги юзасидан тайёрланган йиллик ҳисоботда ана шундай хулоса келтирилган.

Англия банклари тарихида йирик инқироз



Бунга кўра, инглиз банкларининг ипотека облигациялари, заёмлари ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар бўйича қарзи 150 миллиард фунт стерлинг (300 миллиард АҚШ доллари)дан ошиб кетган. Доллар курсининг шу тариқа қуйига шўнғиши молиявий инқирозни янада чуқурлаштириши мумкин. Мутахассислар инглиз молия тизимида қимматбаҳо қоғозлар билан боғлиқ йўқотишлар тақрорланишидан хавотир билдиришган.

Буюк Британия молия тизимидаги муаммолар АҚШда юзага келган ипотека инқирозидан кейин кучайди. Британияликлар учун уй-жой тўлови кескин ошиб кетди ва бу эса аҳолининг тўлов қобилияти пасайишига сабаб бўлди.

Ҳаётда кўзи ожиз инсонларнинг тинглаш салоҳияти жуда кучли эканига кўп бора гувоҳ бўлганмиз. Орегон тиббий фанлар университети олимлари тадқиқотлар жараёнида ушбу ҳолатга илмий нуқтаи назардан изоҳ топишди.

Эшитиш қобилияти нега кучли?



Маълум бўлишича, ёшлигида кўзи ожиз бўлиб қолган инсонларнинг миясидаги кўришга ихтисослашган ҳужайралари эшитиш учун ишлайди. Қўшимча ҳужайралар ёрдами эса инсонда тинглаш салоҳиятини кескин даражада фаоллаштиради.

Хулосани асослаш учун тадқиқот гуруҳи раҳбари Александр Стивенс кўзи ожиз инсонга турли мусиқа садоларини эшиттириб кўрди. Тажриба жараёнида бир пайтнинг ўзида мижознинг мия фаолияти компьютерда кузатиб борилди.

Тафсилот

Ҳар ерда ҳозир «кўланка»

Италия мафияси мамлакат тараққиётига ҳамон ғов бўлиб қолмоқда

Мафия ҳақида сўз кетса, кўпчилик тасаввурида цезарлар юрти Италия гавдаланади. Бу ҳолатни биргина мамлакатнинг мафия ватани бўлгани билан изоҳлаш етарли эмас. Европанинг «юраги»да жойлашган Италияда, яна денг, маърифат асри саналган янги юз йилликда, ҳали ҳам мафиянинг, яъни ноқонуний жиноий тўдаларнинг таъсири кучли эканини кўриш мумкин. Бу ҳолат Европа Иттифоқининг юқори лавозимдаги вакиллари томонидан ҳам хавотир билан тилга олинган.

Шу кунларда Италия жамоатчилиги ҳаддидан ошган махфий жиноий гуруҳларнинг қилмишларини яна қизғин муҳокама қиляпти. Гап шундаки, бундан бир неча кун муқаддам Италия кичик корхоналар ассоциацияси — Confesercenti ташкилоти мамлакатдаги иқтисодий ривожланиш ҳолати, бу жараёнда ишбилармонларга яратилаётган шароит юзасидан ҳисобот эълон қилган эди.

Мазкур уюшма томонидан тайёрланган ва Италия ҳукуматига тақдим этилган ҳужжатда мамлакат иқтисодий тараққиётига тушов бўлиб турган иллатлар, хусусан, мафиянинг кирдикорлари таҳлил этилган.

Ҳужжатда Италиядаги махфий жиноий уюшмаларга тегишли компаниялар жуда катта миқдорда даромад олиши қайд этилган. Бунга кўра, мафиянинг йиллик молиявий маблағлар айланмаси 90 миллиард еврони ташкил этади. Бу рақам Италия йиллик ялпи ички маҳсулотининг оз эмас, етти фоизига тўғри келади.



86 бетдан иборат ҳужжатда бутун дунёда ном чиқарган итальян мафиясининг қайси соҳалардан даромад олаётгани батафсил кўрсатилган. Қизиқ жиҳати, парда ортидаги ҳокимият деб баҳоланадиган жиноий тўдалар энг кўп даромадни судхўрлик орқасидан топар экан. Ҳисоботда айтилишича, биргина ўтган йил давомида 150 мингдан ошиқ ишбилармон уюшган гуруҳлар тасарруфидаги маблағлардан катта-катта фоизлар эвазига фойдаланган. Мафиянинг кейинги асосий даромад манбаи ноқонуний савдо саналади. Италиянинг турли шаҳарларида очилган савдо нуқталаридан 13 миллиард евро миқдорида тушум қайд этилган.

Табиийки, махфий тўдалар фаолиятини фирибгарлик, товламачилик, одамларни гаровга олиш каби жиноятларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Тадқиқот натижаларига кўра, Дон Карлеононинг ватандош ва издошлари ўтган йили рэкетдан 10 миллиард, ўғирликдан 7 миллиард, фирибгарлик ва ҳужжатларни сохталаштиришдан 4,6 миллиард, қимор ўйинларидан 2,5 миллиард, контрабандадан 2 миллиард евро даромад олишган.

Бугунги кунда шоу-бизнесга айланиб кетган санъат мафия гуруҳлари учун ҳам улкан даромад манбаи бўлиб қолмоқда. Амалда кўплаб машҳур қўшиқчилар, юлдузларни ўз қарамоғига олган жиноий тўдалар уларнинг ижодий фаолиятидан мўмай фойда қилишда фойдаланяпти. Яъни панадаги норасмий пешволар санъатнинг турли йўналишлари устидан ҳам ўз ҳукмини ўтказишга уриняпти. Шу билан бирга қароқчилик йўли билан, яъни муаллифлик ҳуқуқини поймол этган ҳолда сотилаётган дисклар, кассеталар ҳам улкан маблағлар келтирмоқда. Confesercenti ташкилоти хулосасига кўра, ўтган йил мобайнида қароқчилик маҳсулотлари савдосидан мафия ғазнасига 7,4 миллиард евро келиб тушган.

Мафия гуруҳлари ҳамма вақт ҳам кўпчилик назаридан четда бўлган, аммо жуда катта даромад келтириши мумкин бўлган соҳаларга кўз тикади. Тадқиқотларга қараганда, итальян мафияси охирги йилларда қотиллик, одам савдоси, рэкетдан ҳам хавфлироқ бўлган фаолият ядро қолдиқларини сотиш ва плутоний ишлаб чиқариш билан ҳам шуғулланяпти.

Аслида Италия мафиясининг ядро қолдиқларини яширин суръатда сотаётгани тўғрисидаги овозалар 1990 йилларда пайдо бўлган эди. Ўшанда мамлакат прокуратураси ENEA – ядро энергияси бўйича миллий агентликнинг мафия билан ҳамкорлик қилган ва мутлақо махфий маҳсулотларни пора эвазига бериб юборган ходимларига қарши жиноий иш ҳам очган эди. Лекин орадан салкам йигирма йил ўтган бўлса-да, текширувни якунлаш имкони бўлмаяпти. Чунки мафиянинг айрим раҳбарлари жалб этилган жиноий иш гувоҳлари сирли равишда ғойиб бўляпти ёки ўлдириб кетиляпти.

Дунёнинг энг ривожланган давлатларидан бири саналган Италия учун мафияга қарши кураш масаласи энг оғриқли нуқта бўлиб қоляпти. Мамлакатнинг жанубий ҳудудлари — Сицилия, Кампанье, Калабрия ва Апулияда мафия таъсири кучли. Тадқиқотларга қараганда, Италияда ҳар куни бизнесменларга қарши 1300 та жиноят содир этилади. Бу ҳар соатда элликта ишбилармоннинг ҳаққига хиёнат қилинади деганидир. Табиийки, бундай қалтис шароитда хорижлик сармоядорлар ҳам бирор бир фаолиятни йўлга қўйишга журъат қилишавермайди.

Бу ҳолатни ҳуқуқ идораларининг ўзи ҳам очиқ эътироф этмоқда. Италия ички ишлар вазири ўринбосари Марко Миннитининг сўзларига кўра, агар мамлакатда мафия гуруҳлари бутқул йўқ қилинганда эди, Италия бутун дунёда энг олдинги ўринга чиқиб олган бўларди. Албатта, ялпи ички маҳсулотнинг салмоқли қисми саналган 90 миллиард евро жиноий тўдалар киссасига эмас, давлат ғазнасига тушса эди. Италияда сўнгги пайтларда кучаяётган ишсизлик, пул қадрсизланиши муаммолари бу қадар жиддий хавотирга сабаб бўлмас эди. Лекин Confesercenti уюшмаси каби ташкилотлар эътироф этганидек, мамлакатда яширин тўдалар таъсири ҳамон сезиларли. Бу эса тараққиёт йўлини кўндаланг тўсиб турибди.

Собиржон ЁҚУБОВ

2007-yil 31-oktabr | O'zingni angla! Mustaqil gazeta HURRIYAT

Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Энг муҳими, мамлакат Президенти бир вақтнинг ўзида ижро этувчи ҳокимият раҳбари ҳам эканлигини белгиловчи конституциявий норманинг ўзгартирилиб, "Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди", деб мустаҳкамланганлиги муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, Президент сайловининг ҳозирги босқичига хос хусусият давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш билан боғлиқ ҳолда намоён бўлмоқда. Бундан ташқари, Президент сайлови фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий фаоллиги ошиб бораётган демократик жараён билан ҳамоҳанг. Чунки, сайлов ҳуқуқи уларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда ҳамда давлат тақдири учун масъул эканлиги руҳида тарбиялашда ҳам аҳамияти беқиёс.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг, давлат ва жамият ҳаётини демократлаштириш ва эркинлаштириш вазифалари белгиланди. Айниқса, мамлакатимизда ўтказилаётган сайловлар жараёнлари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларига мослигини таъминлашга эришилди. Бу Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида мазмун-моҳиятига кўра ўз ифодасини топди.

Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни 1-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқи фуқароларнинг референдумларда, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ва ҳокимиятнинг вакиллик органлари сайловида қатнашиши орқали амалга оширилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, сайловлар ўтказмай туриб, демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини тасаввур қилиб бўлмайди. Бинобарин, сайловлар давлат ҳокимиятини шакллантиришда фуқаролар иштирокини таъминлашнинг муҳим ҳуқуқий воситасидир. Шунинг учун сайловлар демократиянинг муҳим институти, халқ ўз хоҳиш-иродасини ифода этиши ва сиёсий жараёнларда, давлатни бошқаришда иштирок этишининг асосий шаклларидан бири ва айни пайтда ҳокимият вакиллик органларини шакллантиришнинг усулидир. Шу ўринда эътироф этиш жоизки, эркин сайловлар нафақат ҳокимиятни шакллантириш усули, балки унинг халқ олдидаги масъулиятини намоён қилиш воситаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасида фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқи мустаҳкамланган. Бундай тарзда иштирок этиш фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини амалга ошириш орқали таъминланади. Демократик қадриятларнинг ривож топиши фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг қай даражада кафолатланганлигига ҳам боғлиқ.

Шу боис, Ўзбекистон Республикасида "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши нафақат сиёсий, балки ҳуқуқий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Мазкур Қонунни Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари ичида биринчи бўлиб қабул қилганлиги ҳам демократик қадриятларга содиқ эканлигининг ёрқин намунасидир. Қонун сайлов тизимини тартибга солувчи қоидаларнинг изчиллигини таъминлаш ва сайловчиларнинг ҳуқуқларини амалга оширилишини кафолатлашни назарда тутганлиги билан ажралиб туради. Умуман, сайлов ҳуқуқини кафолатлаш мақсадида Конституция ва бошқа қонунлар манба ҳисобланса-да, аслида ушбу Қонун бевосита фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ҳам назарда тутади. Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи сиёсий ҳуқуқларнинг асоси бўлганлиги боис алоҳида қонун билан кафолатланиши катта аҳамиятга эга. Сайлов жараёнидаги ижтимоий муносабатларнинг узвийлигини, мувофиқлигини ҳамда ўзаро алоқадорлигини таъминлаш, бунда сайловчиларнинг ҳамда номзодларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш ва амалга оширилишини кафолатлаш жамият ва давлат тараққиёти учун хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 3-моддасида "Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий мавқеи, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар тенг сайлов ҳуқуқига эгадир" тарзидаги норманинг белгиланиши сайловда ҳамманинг тенг асосларда қатнашишини англатади. Ҳеч бир шахс сайловларда бошқа шахсларга нисбатан бирон-бир ортиқча имтиёзга эга эмас. Сайлов ҳуқуқининг тенглиги ҳар бир сайловчи овоз бериш учун фақат битта рўйхатга киритилиши, ҳамма учун овоз бериш шароити таъминланади.

Халқаро нормаларда ҳам ҳар бир фуқаронинг даврий сайловларда овоз бериш ва сайланиш ҳуқуқи кафолатланади. Ушбу қонунга кўра сайловчилар қаерда бўлишларидан қатъи назар сайловларда бевосита қатнашишлари кафолатланган. Хорижий мамлакатларда фуқароларимиз учун ўша давлатдаги дипломатик ваколатхоналаримизда овоз бериш имконияти, шартшароити яратилади.

Хусусан, "Ўзбекистон Республикасининг Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 22-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, санаторий ва дам олиш уйларида, касалхоналарда ва бошқа доимий ишлайдиган даволаш муассасаларида тузилган сайлов участкалари бўйича сайловчиларнинг рўйхати мазкур муассасаларнинг раҳбарлари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида тузилади. Шунингдек, ушбу Қонуннинг 10-моддаси иккинчи қисмида "Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, санаторийлар, дам олиш уйлари, касалхоналар ва бошқа доимий ишлайдиган даволаш муассасаларида, фуқароларнинг олис ва бориш қийин бўлган ерлардаги турар жойларида сайлов участкалари тузилиши мумкин. Бу сайлов участкалари ўзлари жойлашган ердаги сайлов округларига киради. Ўзбекистондан ташқарида тузиладиган сайлов участкаларини сайлов округига бириктириш тўғрисидаги масала Марказий сайлов комиссияси томонидан ҳал этилади" деб белгилаб қўйилган. Қонунга кўра сайловчилар ўз хоҳиш-иродаларини эркин билдириш, яширин овоз бериш ҳуқуқига эга эканлиги мустаҳкамланган. Мамлакатимизнинг бутун ҳудудида ташкил этиладиган барча участка сайлов комиссиялари овоз беришни махсус ажратилган бинолларда ташкил этадилар ва бу ерда фуқароларга ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришга шароит яратилади. Овоз бериш яширин амалга оширилади. Фуқароларнинг овоз бериш ва ўз иродасини билдиришини назорат қилишга йўл қўйилмайди.

Сайловолди тадбирлари сайлов кунига қадар ўтказиладиган ташкилий кўринишидаги фаолият бўлиб, унда сайловчиларнинг номзод кўрсатиш ҳуқуқи, номзодларнинг дастурлари билан танишиш ҳуқуқи, ижтимоий фаоллик кўрсатиш учун зарур маълумот ва ахборотлар билан таъминланиш ҳуқуқлари кафолатланган. "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 13-моддасида "Давлат ҳокимияти органлари сайловолди учрашувлари ўтказиш учун сайловчиларга жиҳозланган бинолар, зарур маълумот ва ахборот материаллари бериб туришлари шарт. Йиғилишлар ва учрашувлар ўтказиладиган вақт ва жой сайловчиларга барвақт хабар қилинади." деб кўрсатилган. Ушбу Қонуннинг 14-моддасига кўра, бутун сайлов кампанияси кенг ошкоралик асосида ўтказилади.

Қонуннинг 19-моддасида "Саломатлигининг ҳолати ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмайдиган сайловчилар участка сайлов комиссиясига тегишли илтимос билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга, бу комиссия овоз беришни ана шу сайловчилар турган жойда ташкил этиши шарт" деб белгиланган. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатланиши демократик ҳуқуқий давлатнинг белгиси бўлиб, ушбу қоида Конституциямизнинг X бобида мустаҳкамланган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 43-моддасига мувофиқ давлат фуқароларининг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайди. Энг асосий кафолатлар Конституциямизда ва бошқа қонун ҳужжатларида ифодасини топган. Шу нуқтаи назардан ушбу Қонуннинг 20-моддасида "Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқаросига унинг сайлов ҳуқуқлари суд йўли билан ҳимоя этилиши, сайлов комиссияларининг, давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш имкониятлари кафолатланади" деб мустаҳкамлаб қўйилган. Ўзбекистон Республикасининг мустақил судлов ҳокимияти фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни ўзининг устувор вазифаси деб билади.


Хулоса қилиб айтганда, жамиятни янгилашда фуқаролар сайлов ҳуқуқлари кафолатларининг таъминланганлиги мамлакат тараққиётини янада жадаллаштиришнинг, қолаверса фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда фаоллигини кучайтиришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайланиши умумбашарий ва миллий демократик қадриятларнинг нафақат сўзда, балки амалда рўёбга чиқаришнинг ёрқин намунаси ҳисобланади. Бу эса демократик тараққиёт йўлига қўйилган муҳим қадам бўлиши баробарида Президентнинг қонуний ваколатларини амалга оширишга халқ томонидан билдирилган хоҳиш-ироданинг ёрқин ифодасидир.

Шуҳрат РЎЗИНАЗАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари, юридик фанлари доктори, профессор

Жамоа шартномалари

ишчи-ходимларни ҳимоя қилувчи муҳим ҳужжат ҳисобланади

Ишчи ва иш берувчи орасидаги муносабатларнинг қонуний йўлга қўйилиши инсон ҳуқуқлари таъминланишида ўзига хос ўринга эга. Бу борада қонунчилигимиздаги мавжуд меъёрий ҳужжатларнинг амалий аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ жоиз.



Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 29-моддасида кўрсатилганидек, жамоа шартномаси — корхонада иш берувчи ва ходимлар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий, меҳнат ва касбга оид муносабатларни тартибга солувчи меъёрий ҳужжат бўлиб, корхона ва ташкилотларда, уларнинг юридик шахс ҳуқуқи берилган таркибий бўлинмаларида тузилади. Унда меҳнатга ҳақ тўлаш шакли, миқдори, нафақалар, мукофот пуллари, компенсациялар, қўшимча тўлов нархларининг ўзгариб бориши, инфляция даражаси, иш ва дам олиш вақти ходимлар учун имтиёзлар белгиланади.

Жамоа шартномаси корхонада асосан касаба уюшмаси ва иш берувчи ўртасида тузилган шартнома ҳисобланиб, ижроси ҳар икки томонлама амалга оширилади. Ҳар қайси тараф жамоа шартномаси келишувини тузиш ва ўзгартириш юзасидан касаба уюшма қўмитаси ва унинг жойлардаги вакиллик органлари билан музокаралар ўтказиб, ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи иловалар таклиф этиш ва уларни имзолашга ҳақлидирлар. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, агар ходимлар томонидан бир нечта вакиллик органи қатнашаётган бўлса, улар музокаралар олиб бориш, жамоа шартномаси ёки келишувининг ягона лойиҳасини ишлаб чиқиш ва бундай шартнома ёки келишувни тузиш учун бирлашган вакиллик органини ташкил этадилар.

Жамоа шартномасининг лойиҳаси корхонанинг бўлинмаларида ходимлар томонидан муҳокама қилиниши шарт. Суд жараёнлари пайтида айрим ташкилот раҳбарлари қўл остида ишлаётган ходимларининг ҳуқуқларини қонуний ҳимоя қилиш ўрнига икки-уч нафар ишчининг имзосини тўплаб, судни чалғитишга уринадилар. Йўқ, аслида ундай эмас. Қонунда меҳнат жамоасининг йиғилишида ходимларнинг ярмидан кўпроғи иштирок этган бўлсагина ваколатли ҳисобланади деб белгиланган. Жамоа шартномаси умумий йиғилишда иштирок этаётганларнинг эллик фоизидан кўпроғи ёқлаб овоз берган тақдирдагина маъқулланган ҳисобланади.

Бугунги кунда суд-ҳуқуқ тизими амалиётга меҳнат ва меҳнатга оид муносабатлари юзасидан ишга тиклаш, ходимларга етказилган моддий ва маънавий зарарларини ундириш талабларига алоҳида эътибор берилмоқда. Ўз навбатида фуқароларнинг шу мазмундаги аризалари миқдори ҳам йил сайин ўсяпти. Бу халқимизнинг ҳуқуқий саводхонлиги тобора ошиб бораётганлигидан далолат беради.

Манзура ҲАКИМОВА,
Фуқаролик ишлари бўйича Тайлоқ туманлараро судининг судьяси.

Ўзбекистон Республикаси
ХАЛҚ БАНКИ

BANK XALQ BANKI

Пахта йиғим-теримида қатнашаётганларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида
"ПАХТАКОР" ва **"МАДАДКОР"** омонат турларини ТАКЛИФ ЭТАДИ.

"ПАХТАКОР" омонатига маблағлар **45 КУН** муддатга, йиллик **25 ФОИЗ даромад** тўлаш шарти билан камида **50 000 СЎМ** миқдорида қабул қилинади.

"МАДАДКОР" омонатига маблағлар **3 ой** муддатга, йиллик **25 ФОИЗ** даромад тўлаш шарти билан камида **100 000 СЎМ** миқдорида қабул қилинади.

"Ёш оила"ларга барча имконият ва қулайликларни яратган ҳолда, улар учун
"ЁШ ОИЛА" — омонат турини амалиётга ТАТБИҚ ЭТАДИ.

Омонатга маблағлар **30 ЁШГАЧА** бўлган ёш оила аъзоларини (эр ёки хотин) бирининг номига йиллик **24 ФОИЗ** даромад тўлаш шарти билан 6 ой муддатга камида **100 000 СЎМ** миқдорида қабул қилинади.

Омонатда сақланган маблағларга ҳар ойнинг 1-санасига фоиз даромади ҳисобланиб (капитализация) қолдиққа қўшилади.

Шунингдек, банкка ишонч билдирган омонатчиларга **"Фаровон ҳаёт", "Имкон", "Самара", "Ташаббус-1", "Даромад плюс", "Фарзанд келажаги", "Афзал", "Матонат", "Мустақил ҳаёт", "Шодлик", "Маҳалла фидойилари"** каби миллий ва чет эл валютасидаги 20 дан ортиқ омонат турларини таклиф этади.

Омонатларга маблағлар Халқ банкининг барча муассасалари орқали қабул қилинади.

ХАЛҚ БАНКИДА АҲОЛИ ОМОНАТЛАРИНИНГ ДАҲЛСИЗЛИГИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНГАН!

Таълим

Олтиариқнинг иқтидорли болалари

— Ишбилармон Олтиариқнинг болалари иқтидорли бўлиши табиий ҳол, — деди туман халқ таълими бўлими мудири Тоҳиржон Тожиев ҳазиломуз оҳангда. — Ахир Эркин Воҳидов, Анвар Обиджон каби таниқли шоир-адиблар дунёга келган бу макон жаҳонга номи чиққан олиму фузалолар, санъаткорлар, омилкор деҳқонлар юрти...

Биз мудирнинг эътиборини тумандаги иқтидорли болалар мактаби мавзусига қаратдик. Маълум бўлишича, Олтиариқ ҳамда Ҳамза шаҳарчаларида ана шундай таълим-тарбия масканларидан иккитаси қайноқ фаолият юритаётган бўлиб, улардан бири халқ таълими аълочиси, жонкуяр педагог Холсора Мадалиева бошқараётган 4-ўрта таълим мактаби экан.



Хўш, бу ерга қандай хусусиятга эга бўлган болалар жалб қилинади? Таълим-тарбия дастури, ўқитиш услублари ва самардорлик қандай? Болалардаги қобилият иқтидорини изчил мустаҳкамлаб боришда кўпроқ нималарга эътибор берилади? Биз бу ерда бўлганимизда, асосан ана шу саволларга жавоб изладик.

— Бизда, бошқа мактаблардагидек барча фанлар бўйича дарслар умумий дастур асосида эмас, балки боланинг қобилияти, иқтидори, лаёқат ва қизиқиши албатта ҳисобга олинган ҳолда, икки йўналишда ўқитилади, — деб ҳикоя қилади илмий бўлим мудири Тамара Ким. — Мазкур йўналишлар аниқ фанлар ҳамда ижтимоий фанлар гуруҳларига бўлинган. Бу дегани, болага маълум даражада бошқа фанлардан ҳам сабоқ бериб бориш билан бир қаторда, дарс сабоқлари асосан уни қизиқтирувчи фанлардан берилади. Масалан, сени математика, физика фанлари кўпроқ қизиқтирадими, шу йўналишда билимингни ошириб ўз кучингни адабиёт, тарих каби дарсларга нисбатан кўпроқ қизиққан фанларга йўналтир, шунда зарур билимларни мукаммал ўзлаштиришинг мумкин.

Таълим-тарбиядаги бу услуб самарасини шунда ҳам кўриш мумкинки, мазкур мактаб битирувчилари ҳар йили деярли юз фоиз ўзлари танлаган олийгоҳларга бемалол кириб ўқишяпти. Масалан, жорий йилда 28 нафар ўқувчига етуклик гувоҳномалари берилган бўлса, шулардан 25 нафари мамлакатимизнинг энг нуфузли олий таълим даргоҳларига кириб ўқиш имконига эга бўлишди!

Шу боисдан шекилли, ўз фарзандларини ана шу хилдаги мактабда ўқитишни истовчи ота-оналар кам эмас. Лекин бу ерга ўқишга қабул қилишдан аввал, болаларнинг бошланғич синфлардаёқ ўз қобилияти ва иқтидорини кўрсата бошлаган тоифасини ажратиб олиш алоҳида суҳбатлар ҳамда қатъий тест синовлари асосида амалга ошириларкан.

Қайси йўналишга қаратилган бўлмасин, мактабнинг барча синфхоналари, амалиёт лабораториялари ва бошқа ўқув-машғулот хоналарининг қанчалик бой жиҳозлангани, кўргазмали қуроллардан тортиб, амалий машқ асбоб-ускуналари, шу қаторда компьютерлargача муҳайё этиб қўйилгани, ҳар бир бола учун билим такомили йўлида эркинлик ва қулайлик шароитлари яратиб берилганининг гувоҳи бўлдик. Нафақат таълим даражаси ва сифатининг мукаммаллиги мактаб тарбияланувчилари орасида ва худди шунингдек тарбиячилар ўртасида қарор топган қатъий тартиб-интизомни кўриб, бунисига ҳам таҳсин келтирдик.

Ўқувчи ёшлар билан суҳбатда бўлдик. Улар бизга аниқ фанлар бўйича формулалар ечиш, лабораторияларда амалий машғулотлар ўтказиш, компьютерларни бошқариш бўйича ўз маҳоратларини намойиш этишди. Шеърхонликлар бўлди, фалсафа йўналишида фикру мулоҳаза юритишда ўз лаёқатларини кўрсатишди.

Абдусамад Боййигитов, Дадамирза Машарипов, Виктория Дудина, Марҳабо Набиева, Ирода Улуғбекова сингари юқори малакали ўқитувчиларнинг айниқса дарс соатларидан унумли фойдаланиши ва ўқувчилари билан жонли мулоқотдаги қайноқ жараёнини қизиқиб кузатдик.

Мактабдаги эътибор ва таърифга лойиқ яна бир ишдан анча мамнун бўлдик. Бу ерда 65 нафар ўқувчи-ёшларни қамраб олган «Евроклуб» ҳам фаолият юритаркан. Болалар дарслардан бўш вақтларини ана шу клуб қошида жаҳон мамлакатлари тарихини, маданияти ва адабиётини ўрганиш, ривожланган давлатларнинг етакчи илм-фан муассасалари ва олийгоҳлари ҳақида маълумотлар йиғиш билан ўтказаркан.

Кейинги 2-3 йилнинг ўзидаёқ клубимиз ёшлари Германия, Россия, Латвия, Озарбайжон ва Туркманистон давлатларининг республикамиздаги элчихоналари билан ҳамкорликда туркум тадбирлар ўтказишди, — дейди клуб раҳбари Маҳаммаджон Мирзаев, — бу тадбирлар жумласига туманимиз марказида ана шу давлатлар ҳаётига бағишланган кўргазмалар, дўстлик концертлари ҳамда конкурслар уюштириш киради. Вақт-вақти билан элчихоналар вакиллари Тошкентдан ташриф буюришиб, фаолиятимиз билан танишиб қайтадилар. Тошкентдаги халқаро тадбирларда ҳам қатнашиб, уларнинг ибратбахш ишларини намойиш этишади. Яқинда «Росзарубеж» маркази томонидан клубимизга 564 номда адабиётлар ва қўлланмалар ҳадя этилгани ҳам «Евроклуб»имизнинг самарали фаолиятидан далолатдир.

Мактаб директори билан суҳбатимиз чоғида иқтидорли болалар мактабининг бугунги нуфузи ва истиқболи устида тўхталдик.


— Мамлакатимизда халқ таълими бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар шарофатидан бу, — дейди Холсара Мамадалиева. — Президентимизнинг янги авлод учун қанчалар катта ғамхўрлик кўрсатаётганини ҳамма кўриб турибди. Ана шу ғамхўрликлар қадрини, ислоҳотлар моҳиятини янги авлод олдидаги масъулиятимизни қанчалик чуқурроқ англасак, ҳис этсак, ишимиз шунчалик тез юришиб бораверади, деб ҳисоблайман. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, педагогик жамоамиз ҳали ўз фаолиятидан тўла қизиқиш ҳосил қилганича йўқ. Изланиш, саъй-ҳаракат изчил давом этади...

С. ҚАҲҲОРОВ, «Ҳуррият» мухбири. ®

Ёднома

Бир учрашув тарихи

1988 йилнинг тираҳмоҳ фасли эди. Аниқроғи, 1 октябрь куни Касби тумани Хўжаҳайрон қишлоғидаги янги қурилган мактабга адиб Абдулла Қаҳҳор номи берилиши муносабати билан шаҳри азим Тошкентдан Кибриё Қаҳҳорова, «Шарқ юлдузи» журнали бўлим мудири, адабиётшунос Ортиқбой Абдуллаев, шоир Маъруф Жалил Қарши шаҳрига ташриф буюришди. Сафарда меҳмонларга ҳамроҳлик қилиш Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раҳбари сифатида каминага юклатилганди.



Бир томони яйдоқ даштга туташ майдон, унга зеб бериб турган, ҳали бўёқ ҳиди аримаган янги мактаб биноси остонасида бизни карнай-сурнай садолари остида кутиб олишди. Кибриё опа анвойи гуллар оғушида қолди... Туман раҳбари табригидан сўнг, мактаб рўпарасидаги гулзор ўртасида ўрнатилган адибнинг бронзадан ишланган бюсти устидаги парда кўтарилди. Йиғилганлар кўз ўнгида (маҳаллий ҳайкалтарош Бахтиёр Анваров ишлаган) Абдулла Қаҳҳорнинг ўйчан ва жиддий қиёфаси намоён бўлди. Олқиш садолари янгради. Дастлаб адабиётшунос олим Ортиқбой Абдуллаев ва шоир Маъруф Жалил адиб ижоди ва ҳаёти билан боғлиқ хотираларидан сўзлаб беришди.

Ниҳоят, кутилган дақиқалар келди. Сўз навбати таниқли таржимон, адабиётшунос, адибнинг рафиқаси Кибриё Қаҳҳоровага берилди.

Одмигина, дид билан кийинган етмиш беш «баҳорни қаршилаган» бўлса-да, аммо ёшига нисбатан тетик Кибриё опанинг талаффузидан ҳаяжон оғушида эканлиги яққол сезилиб турарди:

— Муҳтарам устоз адиб Абдулла Қаҳҳорнинг адабиётга меҳрли шундай муҳиблари борлигидан азбаройи бошим кўкка етди, — деди самимий тарзда Кибриё опа. — Қалбимда мавж урган яна бир туйғу шундан иборатки, сиз билан айни устоз вафотига 20 йил тўлган паллада учрашиб, ул зоти муборакнинг руҳларини шод қилиб ўтирибмиз. Очиғи, мен азиз инсонимдан аҳрагач, бу ёғига узоқ яшай олмасам керак, деб ўйлагандим. Аммо Абдулла Қаҳҳордек сўз санъаткори билан ўтказган чорак асрлик умримнинг нурли хотиралари мени шу ёшгача олиб келди. Қалбим тўрида сақлаб келаётган зариф хотираларни одамларга айтиб бериш, лозим бўлса қоғозга тушириш учун ҳам яшашим керак, деб ўйладим...

Албатта, йигирма йил муқаддам ўтган бу мулоқотда бошдан-оёқ, «нима гап-нима сўз бўлгани»ни бугун тўлалигича баён этишим мушкул. Аммо «Кундалик» тутганлигим учун қоғозда муҳрланиб қолган айрим тафсилотларни келтириш имкониятига эга эканлигимдан мамнунман. Кибриё опанинг ўша анжуманда изҳор қилган фикрлари кейинчалик юзага келган у кишининг «Чорак аср ҳамнафас» китобида акс этди.

— Эзгуликнинг катта-кичиги бўлмайди. Сизларни ишонтириб айтаманки, ҳали йиллар келадики, устоз, беназир сўз санъаткори Абдулла Қаҳҳорнинг номи муносиб тарзда ўз қадрини топади, — деганди қатъий ишонч билан у .

Учрашув ўрталарига келиб сочини бошига чамбарак қилган, одмигина чит кўйлаги нозиккина қоматига мос тушган қиз шаҳдам қадамлар билан даврага чиқиб келганча адибнинг рафиқасига гулдаста тақдим этди.

— Узр, опа... Далада ушланиб қолдим. Кейин, кечикмай дея от чоптирганча келяпман! Йўл-йўлакай чўл гулларидан атайин сизга...

Қиз бироз тин олди. Сўнг кўзларидан учқунлар сачратганча сўради.

— Кибриё опа... Айтинг-чи, мени кимга ўхшатяпсиз?

Кибриё Қаҳҳорова бир гулдастага, бир қизга синчков тикиларкан, майин кулимсиради.

— Шижоатингиз, нозик-ниҳоллигингиз... от чоптириб юришингиз... ўзи айтиб турибди-ку! Албатта, Саида... «Синчалакхон» — сиз-да!

Ёш-яланглар турган орқа тарафдан гуррос кулги кўтарилди. Қиз уларга қараб қўл силкитиб қўяркан, шўх-шондонлигининг тахини бузмади.

— Қойил, топдингиз! Фақат исмим Саида эмас, уйқаш... Сайгул! Орзу-ниятим, келажакда севган ана шу қаҳрамоним сингари ҳаётда ҳар қандай қийинчиликлардан чўчимайдиган жасур ва шижоатли бўлиш... Сиздан илтимос, бугун дала шийпонимизда меҳмон бўлсангиз. Қизларимизнинг сизга айтадиган сирусиноатлари бир дунё!

Сайгулнинг рафтори тансиқ ҳисларни қўзғаб юбордими, Кибриё опа завқ билан энг тотли хотираларини эслади, бир соатдан кўп тинглovчиларни ўзига қаратиб ўтирди.

Учрашув ниҳоясида кўкси орден-медалга тўла, кекса киши минбарга кўтарилди-да:

— Кибриёхоним, синглим... Менинг ёшим саксондан сакраган. Кекса маорифчи педагог, уруш қатнашчисиман. Адиб Абдулла Қаҳҳорнинг памфлет, фельетонларини жангоҳларда ўқиб руҳланганман. Ҳаётга муҳаббат, инсонларга меҳр кўрсатишга ундаган туйғуни ҳам ана шу севимли ёзувчимиз асарларидан олганман. Аммо биз бугун Абдулла Қаҳҳорни қайтадан кашф этдик. Буларнинг барчаси, албатта, сиз туфайли. Яна шунга имон келтирдикки, тақдир сиздай умр йўлдошини туҳфа этиб, Абдулла Қаҳҳорга бебаҳо бахт ато этган экан! Пойқадамингиз хосиятли, фаришта аёл экансиз! Умрингиздан барака топинг..., — деди ҳаяжон билан.

«Умр деганлари — оқар сувдек гап», деб бежиз айтишмаган-да. Ўша учрашувда мухлисларига кўпдан-кўп ибратли ҳикоялар, дилбар шеърлар ўқиб берган устоз Абдулла Қаҳҳорнинг умр йўлдоши, адабиётшунос Кибриё Қаҳҳорова ҳам хокисор шоир Маъруф Жалил ҳам бугун ҳаёт эмаслар. Аммо ўша учрашув ҳамон менинг ёдимда. Ўйлайманки, унда иштирок этганлар ҳам унутишмаган.

Кези келганда таъкидлаш лозим, Кибриё Қаҳҳорова учрашувда башорат тарзида айтган: «Буюк сўз санъаткори Абдулла Қаҳҳорнинг номи муносиб тарзда ўз қадрини топадиган кунлар»га етиб келдик. Бунга исбот сифатида шу йил адиб таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган тантаналарни эслаш кифоя.

Муҳаммад ОЧИЛ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

МУСТАҲКАМ ИЛДИЗ – РИВОЖЛАНИШ ГАРОВИ

Ватанимизнинг мустақил ривожланиш йўлини илдизи она заминга мустаҳкам ўрнашган дарахтга менгзаш мумкин. Зеро, Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг мустақиллигимизнинг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисида қилган маърузасида атрофлича таъкидлаганларидек, юртимизда истиқлолнинг 1991-2000 йиллари миллий давлатчилик асосларини шакллантириш даври бўлган бўлса, 2001-2007 йиллар жадал демократик янгиланишлар ва модернизациялаш даври бўлди. Шу йиллар мобайнида иқтисодиётимизда барқарор ривожланиш сезилди, сиёсий ҳаётимизда, қонунчилик, суд-ҳуқуқ тизими ва ижтимоий-гуманитар соҳаларда изчил ислоҳотлар амалга оширилди.


Истиқлол йиллари «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили асосида юртимизда демократик институтлар, жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини йўлга қўйиш, такомиллаштириш учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Натижада демократик жамиятнинг муҳим таркибий қисми саналган учинчи сектор фаолияти шаклланди.

Ана шундай ННТлардан бири Ўзбекистон Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти 2003 йилда ташкил этилди. Институтнинг мақсади фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожланиши, ижтимоий ҳаётдаги демократлаштириш жараёнини чуқурлаштиришда, фуқароларнинг сиёсий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий ва ижтимоий фаоллигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Бу йўлда йирик олим ва мутахассислар билан яқин ҳамкорлик олиб бораётган институт фуқаролик жамияти шаклланиш жараёнларини тадқиқ этади. Институтнинг Қорақалпоғистон филиали 2004 йилнинг апрелида ташкил этилган. Филиал юқоридаги мақсадларни Қорақалпоғистон ҳудудида амалга оширади.

Юртимизда кечаётган демократик жараёнларда ҳудудларда амалга оширилаётган ислоҳотлар, янгиланишлар муҳим ўрин тутади. Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Қорақалпоғистон филиали ҳудудда юз бераётган ўзгаришлар, демократик янгиланишларни таҳлил этиб боради. Филиал ходимлари ана шу мақсадларга хизмат қилувчи 11 та лойиҳа бўйича давлат идоралари ҳамда ННТлар билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда, турли тадбирлар, анжуманлар ташкил қилмоқда.

Маълумки, демократик ривожланиш, аҳолининг сиёсий фаоллигини оширишда партиялар муҳим аҳамият касб этади. Давлатимиз раҳбари томонидан мамлакат парламентига қонунчилик ташаббуси асосида тақдим этилган ҳамда Олий Мажлис томонидан тасдиқланган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, мамлакатни модернизациялашда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун юртимиздаги сиёсий партияларнинг фаолиятини янада кучайтиришга туртки бўлди.

Бунинг ўзи партияларнинг ўз фаоллигини янада ошириш лозимлигини англатади. Сиёсий партияларни ўрганиб чиққанимизда ЎзХДП ва ЎзЛиДеП нинг бошқа партия ташкилотларига нисбатан моддий-техник базаси ва фаоллиги жиҳатдан олдинги қаторда эканлиги маълум бўлди. Уларда иш штат жадвали тўлиқ ҳал этилган, ҳудудларда (туманларда) партия ташкилотлари ташкил этилган, партия қошида хотин-қизлар ва ёшлар қаноти фаолият кўрсатмоқда.



Қорақалпоғистонда 2007 йилнинг 1 апрелига қадар бўлган маълумотга кўра Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигидан давлат рўйхатига 104 та жамоат бирлашмаси, ҳисоб рўйхатига 130 та ва 52 та диний ташкилотлар рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатмоқда. 2007 йилнинг шу кунига қадар Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Қорақалпоғистон филиали томонидан 15 та нодавлат нотижорат ташкилотлар ва 5 та диний ташкилотлар фаолияти ва муаммолари ўрганилиб чиқилди. Бу муаммолар асосан уларнинг ҳомий топишда жонбозлик кўрсатолмаётганлиги, грант олиш учун лойиҳалар ёзиш қоидаларини билмасликлари, ишни юритишда қобилият ва тажриба етишмаслиги маълум бўлди. Филиалимиз бу борада уларга ёрдам бериш мақсадида Ўзбекистон ННТМА (НАННОУз) билан ҳамкорликда ННТ раҳбарларига грант олиш бўйича лойиҳалар ёзиш тартиблари ва қоидаларини ўргатиш бўйича семинарлар ўтказди.

Демократик ислоҳотларни амалга оширишда, фуқаролик жамиятини шакллантиришда ўзини ўзи бошқариш органларининг, маҳаллаларнинг ўрни беқиёс. Бу кичик жамиятда кичик давлат тузилиши акс этган. Мамлакатимизда давлат ҳокимияти марказий органларининг бир қатор ваколатлари билан вазифаларини маҳаллий ҳокимиятга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, маҳаллаларга босқичма-босқич ўтказиш жараёнининг амалга оширилаётгани биз қураётган фуқаролик жамияти сари катта қадамлардан ҳисобланади. Қорақалпоғистон Республикасида жами 347 фуқаролар йиғини мавжуд. Ўтган 2006 йилнинг май ва июнь ойларида сайланган фуқаролар йиғини раисларининг 8,65 фоизини (38 нафар) аёллар ташкил этади. Маҳаллаларда пайдо бўлаётган муаммоларни аввало шу ерда раис (оқсоқол) билан маслаҳатлашган ҳолда ечиш механизмининг аҳоли онгига сингиб бориши маҳалла нуфузини оширмоқда.

Очиқ ва кучли фуқаролик жамиятини эркин ОАВ ларсиз кўз олдимизга келтириш қийин. Ҳозирги кунда Қорақалпоғистон Республикасида 1 та республика, 2 та туман миқёсидаги телеканал, 1 та республика миқёсидаги радиоканал, 5 та республика, 16 та туман (шаҳар), 15 та тармоқ, 2 та хусусий газеталар, 7 та журнал, 1 та бюллетень ва 1 та ахборот агентлиги фаолият кўрсатмоқда. Уларда 180 га яқин журналистлар хизмат қилади. Республика телеканали кунига 6 соат 30 минут, Республика радиоканали кунига 6 соат 36 минут эфирга чиқади. Республика газеталарнинг йиллик ўртача тиражи 3000-3500 донадан, туман, тармоқ ва хусусий газеталарники ўртача 1500-2000 донадан тўғри келади. Республика ОАВларидаги сўз эркинлиги масаласи янада жонланаётгани сезилмоқда. Чунки газеталар ижтимоий муаммоларни кўтариб чиқмоқда. Журналистларнинг шахсий фикрларини ва танқидий мақолаларини ўқиш мумкин. Демак, ОАВларнинг ҳам ижтимоий институт сифатида жонланиши кўриняпти.

А. ПОЛВОНИЯЗОВ, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Қорақалпоғистон филиали раҳбари.

Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг моддий ва ахборот кўмагида тайёрланди. Лойиҳа: «Демократик жамият қурилишида аҳолининг фуқаролик позициясини шакллантириш ва фуқароларнинг фаоллигини ошириш масалалари».

Турмуш чорраҳаларида

“Омонмисиз, опажон!..”

Ўтган йил декабрь ойининг ўрталари эди. Бехосдан кўтарилган йиғи овози маҳалла аҳлини оёққа турғазди. Одамлар кўча бошидаги деворлари нураб қолган Хайрихон аянинг уйи томон юришди.

— Бечора кўп дард тортди. Тузалиб кета олмабди-да. Энди охиратини обод қилсин, — деганларича марҳуманинг вояга ета бошлаган фарзандларига таъзия изҳор этишди. Биров гўрковларга хабар қилгани, яна биров қишлоқ аҳлини таъзияга айтгани кетди. Ҳаш-паш дегунча маъраканинг расм-русумлари бажарилиб, одамлар таъзияга йиғилишди.

Жанозага келганлар совуқ ўтган оёқларини бир-бирига уриб, “Кимни кутяпмиз,вақт бўлди-ку?!” дегандай тоқатсизлана бошлашган эди:

— Раҳматли Хайрихоннинг битта-ю битта туғишган акаси бор экан. Ҳали замон келиб қолади, бироз кута турайлик, — деди маҳалла оқсоқоли.

— Ийэ, марҳуманинг акаси борлигини билмас эканмиз, — қўшнилар секин елка қисиб қўйишди.

— Хайрият, келди! — деган овоз йиғилганларнинг нигоҳини гуриллаб тўхтаган яп-янги машина томонга қаратди. Пўрим кийинган, бақалоқдан келган киши одамлар орасидан бошини эгганича ўтиб борарди. У дарвоза олдига келганида:

— Онажонимдан қолган ёлғиз ёдгорим эдингку! Наҳот, сени кўзинг очиқлигида йўқлолмадим-а!!! — дея қилган оҳу фарёди қалбларни ларзага солиб юборди.

Афсуски, ака юмушлар билан ўта банд бўлиб, жигаргўшасини кейинги йилларда бирор марта йўқламаган экан. Бугун эса...

Айтишларича, ғарқ пишиб турган буғдойзорни пайҳон қилиб ўтиш учун фақат синглисини кўргани кетаётган акага рухсат берилган экан.

Яқинда ака-укалар йиғилиб олисроқда яшайдиган опамни кўргани бордик. Опам бизларни кўриб, қувонганидан ўзларини қўйгани жой тополмай қолди. Кўзлари тўла ёш.

— Раҳматли дадам ўтганларидан кейин ўринларида қолган суянчиқларим, — дерди нуқул.

Шунда амин бўлдимки, мушфиқ опа-сингилларимиз билан тез-тез дийдорлашиб турсак, кўнглимиз таскин топиб, ажиб руҳий енгиллик ҳис этар эканмиз.

Анваржон ҲАЛИМОВ

2007-yil 31-oktabr | Mustaqil gazeta HURRIYAT O'zingni angla!

Спорт фидойисини хотирлаб

Футбол — миллионлар ўйини. Уни ҳамма севиб ўйнайди. Шу жумладан, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳам.

Бунга бир ҳафта давомида пойтахтимиздаги «Жар» спорт мажмуасида мини футбол бўйича «Спорт» ва «Ўзбекистон футболи» газеталари соврини учун Олимжон Акбаров хотирасига бағишланган учинчи анъанавий турнирида яна бир карра амин бўлдик.



Мусобақага қизиқиш тобора ортиб бораётганини бу йил 18 та жамоа ўз кучи ва иқтидорини синаб кўришга жазм қилганидан ҳам билиш мумкин.

«А» гуруҳида МТРК, «Хонадон», «Туркистон», «Жамият», «Инсон ва қонун», «В» гуруҳида «Наврўз», «XXI Аср», «Халқ сўзи», ЎзДЖТУ, «Ҳуқуқ», «С» гуруҳида «Маърифат», «Машъал-садо», «Ватанпарвар», «Тошкент ҳақиқати», «D» гуруҳида «Ўзбекистон футболи», «Спорт ТВ», «Ўзбекистон овози», «Ҳордиқ» жамоалари чорак финал учун баҳс олиб боришди.

Чорак финалда гуруҳларида биринчи ва иккинчи ўринларни қўлга киритган қуйидаги жамоалар учрашишди:

МТРК-ЎзДЖТУ-5:3, «Наврўз»-«Жамият» - 4:1, «Маърифат»-«Ўзбекистон овози» - 3:2, «Ўзбекистон футболи» - «Машъал—садо» - 5:2.

Ярим финалда эса «Наврўз»-«Ўзбекистон футболи» жамоасини 3:2, МТРК эса «маърифат»чиларни 4:2 ҳисобида мағлуб этиб, финал йўлланмасини қўлга киритди.

Мусобақанинг охирги куни бир йўла учта учрашув ташкил этилди. Дастлаб, майдонга Ўзбек Миллий академик драма театри ҳамда Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театри футболчилари чиқиб келишди. Хотира турнирига қатнашиш истагидаги мазкур жамоаларга дастлаб турнир оммавий ахборот воситалари ходимлари турнири ўртасида кечгани боис уларга рухсат берилмаганди.

Норасмий учрашувда 4:0 ҳисобида Муҳаммадали Абдукундузов мураббийлигидаги Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси ғалабаси билан якун топди. Театрнинг бош рассоми Бахтиёр Тўраев чиройли ҳаракатлари билан мухлисларнинг олқишини олди.

Учинчи ўрин учун майдонга чиққан рақиблар — «Ўзбекистон футболи» ва «Маърифат» футболчилари бир-бирига муносиб эди. Ҳар иккаласининг ҳам ўз ўйин услуби бор. Шу боис, учрашувнинг асосий вақти 2:2 ҳисобида якунланди. 5 дақиқадан икки қўшимча таймда эса «футболчи»-лар «маърифат»чиларга тўп киритишдан дарс беришди. Умумий ҳисоб — 4:2, «Ўзбекистон футболи» — 3-ўрин соҳиби бўлди.

Финалда Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг МТРК ва «Наврўз FM» радиосининг «Наврўз» жамоалари баҳсида ҳам асосий вақт 2:2 ҳисобида тугади. Қўшимча вақтда "Наврўз" дарвозасига икки тўп киритилди: МТРК — «Наврўз» — 4:2.

Мусобақанинг тантанали ёпилиш маросимида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи Ахбор Имомхўжаев, «Миллий тикланиш» партияси раҳбари Хуршид Дўстмуҳаммад, «Халқ сўзи» газетаси бош муҳаррири Ўткир Раҳмат, «Ўзбекистон овози» газетаси бош муҳаррири Сафар Остонов, Ўзбекистон телерадиокомпанияси раис ўринбосари Фарҳод Рўзиев, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги раис ўринбосари Аҳмад Тошхўжаев ва бошқалар сўзга чиқиб, турнирнинг соғлом турмуш тарзини тарғибот қилишга катта ҳисса қўшаётганини таъкидлаб, футбол фидойиси Олимжон Акбаровнинг ўзбек футболи олдидаги хизматлари ҳақида тўхталиб ўтдилар. Яхши инсондан яхши фарзандлар, эзгу амаллар қолади. Дарҳақиқат, бугунги кунда у кишининг фарзандлари отаси ишини давом эттириб, спортимиз ва футболимиз ривожига муносиб улуш қўшишмоқда. Журналистлар ўртасидаги анъанавий турнир, шу йилнинг баҳор фаслида ўтган Олимжон Акбаров хотирасига бағишланган биринчи ногиронлар спорт ўйинлари шулар жумласидандир.

Қолаверса, Акбаровлар хонадони Ўзбекистон ампутант футболчилар терма жамоасининг ҳам ҳомийларидан саналишади. Шунингдек, икки ярим йил муқаддам Яйпанда «Олимжон Акбаров» футбол жамоаси тузилганди. Мазкур жамоа айни чоғда Ўзбекистон чемпионати 1-лигасида муваффақиятли тўп сурмоқда. Кетма-кет ғалабага эришаётган «Олимжон Акбаров» клуби шу кунларда кичик бронза медалларига асосий даъвогар ҳисобланади.

Жамоа бошлиқлари Яйпан шаҳрида янги стадион қуриш ҳамда истеъдодли футболчиларни тарбиялаш учун футбол мактаби ташкил этишни ҳам мўлжаллашяпти.

Яна журналистлар турнири якунига қайтамиз: мусобақа ташкилотчилари томонидан турнирда тўртинчи ўринни олган «Маърифат» жамоасига «Мухлислар меҳрини қозонган жамоа» номинацияси ғолиблиги ва 700 минг сўм пул мукофоти тақдим этилди. Мусобақада илк бор иштирок этишига қарамасдан гуруҳдаги тўрт ўйиндан учтасини ғалаба билан якунлаган «Жамият» газетаси жамоасига 150 минг сўм пул мукофоти насиб этди. («Жамият» — «Хонадон» - 3:1, «Жамият» —«Туркистон» - 4:2, «Жамият» — «Инсон ва қонун» - 4:3, «жамият»чилар чорак финалда кучли рақиб ҳисобланмиш «Наврўз»га имконият бой берди) Учинчи ўрин соҳибларига бронза медаллари, кубок, диплом ва бир миллион сўм пул мукофоти, иккинчи поғонани эгаллаган «наврўз»чиларга бир ярим миллион сўм, кубок ва кумуш медаллари, турнир ғолиби Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг МТРК жамоасига эса олтин медаллар, кубок, диплом ҳамда икки миллион сўм миқдорида турнир мукофоти топширилди.

Шунингдек, бир қатор номинация соҳиблари ҳам тақдирландилар.

Акмал АБДИЕВ

Турнир

Умумий ҳисоб — 11:0



Қитъамизда футбол бўйича жаҳон чемпионатининг дастлабки саралаш баҳслари якунланди. Ўзбекистон миллий терма жамоаси ҳам 2010 йили Жанубий Африка Республикаси майдонларида бўлиб ўтадиган бу нуфузли мусобақа сари илк қадамларини ташлади.

Ёдингизда бўлса, футболчиларимиз пойтахтимизда ташкил этилган дастлабки ўйинда Хитой Тайпейи терма жамоасини 9:0 ҳисобида мағлуб этишганди. Якшанба оқшомида ҳамюртларимиз ушбу учрашувнинг жавоб баҳсида иштирок этишди. Ўйин санаси ФИФА тақвимида терма жамоалар учун ажратилган кунларга мос келмагани боис бу учрашувга легионерларимиз жалб этилмади. Қолаверса, дастлабки йирик ғалаба етакчиларга дам бериш ва ёш футболчиларни синовдан ўтказиш имкониятини берди. Шунга қарамай, учрашув 0:2 ҳисобида терма жамоамиз фойдасига ҳал бўлди. Тўпларни Ислом Иномов ва Илҳом Суюновлар киритишди. Бу ғалабалар билан Ўзбекистон миллий терма жамоаси жаҳон чемпионатида иштирок этиш йўлидаги шижоатларини кўрсатишди.

Энди футболчиларимиз мусобақани учинчи босқич гуруҳ баҳсларидан давом эттиришади. Бу баҳсларга 25 ноябрь куни ЖАРнинг Дурбан шаҳрида қуръа ташланади.

Футбол

Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Осиё чемпионатининг саралаш босқичида муваффақиятли иштирок этди.

Ўсмирларимиз финал босқичида

Улар мусобақанинг финал босқичига бериладиган икки йўлланма учун БАА, Бангладеш, Туркманистон, Тожикистон ва фаластинлик тенгдошларига қарши майдонга тушдилар.

Илк учрашувда Бирлашган Араб Амирликлари ўсмирлари билан 2:2 ҳисобида дуранг ўйнаган футболчиларимиз кейинчалик Туркманистон (4:1), Тожикистон (2:1), Бангладеш (3:2), Фаластин (6:1) терма жамоалари устидан зафар қучиб, гуруҳда биринчи ўринни эгалладилар. Энди улар келаси йили бўладиган Осиё чемпионати баҳсларида қитъамизнинг энг кучли ўн олти терма жамоаси қаторида бўлади.

Олимпиада йўлланмалари учун



Бокс

АҚШнинг Чикаго шаҳрида ҳаваскор боксчилар ўртасида ўтказилаётган жаҳон чемпионати қизғин паллага кирди. Қизғинлигига сабаб шуки, унда жаҳон чемпионати совринлари билан бир қаторда келгуси йили Хитойда бўлиб ўтадиган ёзги олимпиада ўйинларининг йўлланмалари учун баҳс олиб борилмоқда.

Ушбу нуфузли турнирда дунёнинг 117 мамлакатидан ташриф буюрган умидли боксчилар иштирок этишяпти. Мусобақада юртимиз шарафини Бекзод Хидиров (60 кг.), Элшод Расулов (75 кг.), Баҳодир Султонов (57 кг.) ва Аббос Атоевлар (81 кг.) ҳимоя қилишмоқда. Куни кеча бўлиб ўтган баҳсларда Б. Хидиров янги зеландиялик Ангус Доналдсонни 29:9, Э.Расулов венгриялик С.Истванни 22:3 Б. Султонов эса КХДР боксчиси Р.Сонг Ханни 31:8 ҳисобида мағлубиятга учратди. А. Атоев руминиялик К. Беженаруни учинчи раундда нокаут ҳолатига келтирди.

Азим РЎЗИЕВ тайёрлади.

ШЕЪРИЯТ ~ ҲАҚИҚАТ ДАРЧАСИ

Таниқли шоир ва таржимон, «Жаҳон адабиёти» журнали Бош муҳаррири ўринбосари Мирпўлат МИРЗО билан суҳбат

— Мирпўлат ака, сизни шоир сифатида элимиз, шеърият мухлислари яхши танийди. Кейинги йилларда таржимон сифатида ҳам адабиётда ўз мавқеингизни қозондингиз. Жумладан, жаҳоннинг машҳур шоирларидан қилган таржималарингиз «Сомон йўли чечаклари» (2004) номи билан, сиз ўзбекчага ўгирган қозоқ шеърияти антологияси «Сайра, дўмбирам» (2005) номи билан алоҳида тўпламлар сифатида чоп этилди. Сизнинг таржимонлик фаолиятингизда муваффақият тилаган ҳолда шуни сўрамоқчийдим: таржима билан мунтазам шуғулланишингизга нима даъват қилади?

— Таржима, албатта, заҳматталаб иш. Пушкин «Шоир камроқ таржима қилса кўпроқ ўз шеърларини ёзади», дея таъкидлаган. XX асрдаги машҳур эстон шоири Ояр Вациетис эса айрим жаҳон адабиёти намуналарини эстон тилига таржима қилинмаганлигидан хижолат чекаман, деган. Ва уларни ўзи таржима қилишга киришган. Мен кўпроқ ана шу шоирнинг ақидасига амал қиламан, шекилли.

Қолаверса, таржима билан талабалик йилларимдан шуғулланаман. 5-курсни тугатаётганимда диплом иши ёзиш учун Навоий номли кутубхонада ойлаб ўтиришимга тўғри келган. Мен ўшанда кўп вақтимни диплом ёзишга эмас, Ўлжас Сулаймон ва Евгений Евтушенко шеърларини таржима қилишга сарфлаганман.

— Нима учун айнан ўша шоирларни?

— Чунки улар ўша даврда шоир сифатида афсонавий шуҳратга эга эдилар.

— Шеъриятда шунақа шуҳрат қозониш мумкинми?

— Бўлмасам-чи, мен ўзим бунинг шоҳиди бўлганман. 1968 йили Тошкентда жуда катта шеърият анжумани ўтказилган. Бу анжуманга Расул Гамзатов, Евтушенко, Роберт Рождественский, Ўлжас Сулаймонов каби шоирлар ҳам келишган. Ўша даврда Евтушенко шуҳрати ҳозирги энг машҳур футболчининг ёки хонанданинг шуҳратидан юксакроқ эди.

У билан эски «Билимлар уйи» (ҳозирги республика Рус драма театр биноси)да алоҳида ижодий учрашув ташкил қилинди. Кириш пуллик эди. Шунга қарамасдан, мухлислар ёпирилиб келишган. Одам тирбандлигидан бинонинг ойнаванд эшиклари чил-чил синганлигини ўз кўзим билан кўрганман. Учрашув 3 соатдан кўп давом этган. Сентябрь ойи эди, ичкаридаги ҳаво димлигидан бир мухлиса қиз ўзидан кетиб қолган. Уни саҳна ортига қўлма-қўл кўтариб ўтказишган.

— Шеъриятнинг бу қадар кучи, жозибаси нимада эди ўша даврларда?

— Евгений Евтушенко бундан 4-5 йил аввал Англия телевидениесига берган интервьюсида: «Дунёда мен каби машҳур шоир бўлмаган, бўлмайдиям» деган. Мен унинг бу гапига ишонаман. Боиси унинг бетакрор иқтидоридагина эмас, давр хусусиятида ҳам эди. Чунки у давр шўролар даври бўлиб, коммунистик мафкура ҳукмрон эди. Бу мафкурага тўғри келмайдиган ҳар қандай туйғу ёки фикр тақиққа, таъқибга дучор бўлар эди. Буни қарангки, ўша замонларда халқ ҳақиқатга бўлган ташналигини асосан шеърият орқали қондирган. Ўша даврларда шеъриятни ягона ҳақиқат туйнуги, дарчаси эди, дейиш мумкин.

Қолаверса, ўша даврларда одамлар идрокини банд этадиган турфа машғулотлар, юрак ҳовурини оладиган ишқибозликлар кам эди.

Юқорида номлари зикр этилган ижодкорлар инсон эрки чекланган ана шундай даврнинг исёнкор шоирлари эдилар.

Балки шу боис менда уларнинг шеърларини таржима қилиш иштиёқи туғилган. Шу тариқа Евгений Евтушенко, Ўлжас Сулаймонов шеърларини биринчилардан бўлиб ўзбек тилига ўгирдим.

— Борис Пастернак шеърларини-чи? Ахир унинг номидаги халқаро мукофот соҳибисиз...

— Пастернак шеърлари алоҳида бир мавзу. Бунга илк туртки бир шоир дўстимизнинг айтган гапи бўлган. У тажрибали таржимон ҳам эди. Бир суҳбатда Борис Пастернак шеърларини ўзбек тилига ўгириб бўлмайди, деганди. Бунда шоирнинг шеърияти теранлиги ва мураккаб бадиийтини назарда тутган бўлса, эҳтимол. Мен ўшанда шоир дўстимнинг бу тугал хулосасидан росмана ажабланганман ва «наҳотки?!» дея, таржима қилишга киришганман.

Таржима жараёнида билдимки, дўстимнинг гапида жон бор экан. Лекин мен осонликча таслим бўладиганлардан эмасдим. Шу боис жазмимда давом этдим. Ишонасизми, ўша улуғ шоирнинг битта шеърини таржима қилиш учун бутун бир таътил вақтимни сарфлаганман. Ўшанда кунига бир сатрдан таржима қилган эдим. Кейинчалик таржималаримдан намуналарни Андрей Вознесенский сўзи билан «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида эълон қилдирганман.

— Ўша дўстингиз тан бергандир таржималарингизга?

— Табриклагани эсимда.

— Ҳозир жаҳон адабиётидан кўплаб таржималар қилинаётибди, лекин бизнинг асарларимиз эса нега жаҳонга чиқмаяпти?

— Бунинг сабаби адибларимизнинг истеъдоди камлигида эмас. Жаҳон билан бўйлашадиган ёзувчи ва шоирларимиз бор, худога шукр. Уларни кўрсата билишимиз керак. Бу орзу вақт-соати билан амалга ошади, деб умид қиламан.

— Сиз атоқли адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов билан узоқ вақт ёнма-ён ишладингиз, журнал ишларида унга камарбаста бўлдингиз. Устоздан сиз нималарни ўргандингиз?

— Домла Озод Шарафиддинов чиндан ҳам бетакрор сиймо эдилар. Мен устоздан меҳнатга чанқоқликни, ёлғондан ҳазар қилишни, тақдирнинг қийин синовларига чидашни ўргандим.

— Мирпўлат ака, энди ўз шеърларингизга қайтсак, Пушкин айтган гап баъзан-баъзан эсингизни тушса, ҳалиям О. Вацистис барибир ҳақ, деб таъкидлайсизми?

— Қизиқ савол... Пушкиндаги «эгоизм»да ҳам бир ҳикмат борга ўхшайди...

— Сиз шеърларингиз устида қай тарзда ишлайсиз. Илҳом келди — ёзиб ташлайсиз, тамомми?

— Йўқ, асло. Мен шеър устида ишлашни устозим Абдулла Ориповдан ўрганганман. Унинг нафақат шеър ёки сатр устида, балки ҳар бир сўз устидан қандоқ тер тўкканларининг шоҳиди бўлганман.

Шу боисдан қораламаларим тортмамда қанча узоқ вақт ётса, шунча мамнун бўламан. Чунки ҳар гал қаеринидир таҳрир қилишга эҳтиёж туяман.

— Ҳозир «модерн-шеърият» деган ибора урфга айланган. Бунда «юксак шеърият ана шу» деган замзама ҳам борга ўхшайди... Сиз ўзингизни бу шеъриятга қайсидир маънода дахлдор санайсизми?

— Асосан XX асрда кенг қанот ёзган бу шеърият тафаккуридаги янгиликни ва фикрдаги жасоратни ўзида мужассам қилган мардонавор шеъриятдир.

Лекин, мени кечирсинлар-у, биздаги кўпгина «модерн шеърият» вакиллари поэзиядаги янгиликни ва жасоратни асосан сатрларни синдиришда кўрадилар. Билъакс, узун бир насрий жумлани синдириб-синдириб, мана сизга модерн шеър намунаси, дейишдан истиҳола ҳам қилмайдилар.

Аммо ҳақиқий модерн шеъриятга кимлар дахлдор деганда менинг ёдимга дафъатан Андрей Вознесенский ва Рауф Парфи сиймолари келади...

Ўзим ҳақимда эса... ўйлаб кўрмаган эканман...

— Сизга ушбу, оддий, аммо... очиғи, жуда масъулиятли оддий саволни беришга ижозат этинг: Сизга Истиқлол нима берди?

— Йиллар ўтиши билан Истиқлол нима берганини нафақат мен — бир қаламкаш, балки ҳар бир фуқаромиз ҳам чуқурроқ ҳис қилмоқда.

Яхшиси Истиқлол халқимизга нима берганини айта қолай: эркинлик берди, дунё халқлари билан тенгликни берди. Жавобларим жўн ва оддий туюлаётган бўлса, мен ҳам узр сўрайман. Лекин билингки, буюк ҳақиқатлар жўн ва оддий бўлади.

Хусусан, менга (айтмасам бўлмас) — бир шоирга бошқа юрт шоирлари олдида энди елкангни қисиб турма, деган туйғуни ато этди.

— Ҳозир қандай ижодий ишлар билан машғулсиз?

— Эсселар, сафарномалар, публицистик мақолалардан иборат китоб тайёрлаяпман. Айни пайтда янги шеърий тўпламим устида ҳам иш олиб боряпман.

— Мирпўлат ака, сизнинг ўзига хос, бетакрор ижодингизга ва журналдаги фаолиятингизга катта муваффақиятлар, ўқувчиларимиз номидан мустаҳкам соғлиқ ва шеъриятда катта зафарлар қучишингизни тилайман.

Адиба УМИРОВА суҳбатлашди.

Учрашув




Фикр

Фақат ўзи учун яшаш инсонликни суиистеъмол қилишдир.

Вильям ШЕКСПИР

Тасаввур

Соат фалсафаси



Қўлингиздаги соатга ҳеч эътибор берганмисиз? Милларнинг ҳаракатида, уларнинг кўринишида қандайдир ҳаётий мазмун борга ўхшайди. Унда қандайдир сеҳрли куч борки, сизни бутун борлиғингиз билан ўзига ром қилади. Улар ҳаётингизни бир зумда алғов-далғов қилиб ташлашга ҳам ёки бир маромга солиб қўйишга ҳам қодир.

Биласизми, соатингизга назар ташлашингиз билан у сизнинг асл қиёфангизни ошкор этиб қўяди гўё. Ишонмайсизми? Унда ўзгаларнинг қўлларидаги соатига қарашларини зимдан кузатинг. Уларнинг қиёфасида шундай ўзгаришларни кўрасизки, бундай сермазмун ифодани энг самимий инсон юзида ҳамма вақт ҳам учратавермайсиз.

Соат милига яхшилаб эътибор беринг. Улар сизнинг умрингиз қандай нисбий тезликда ўтаётганини кўрсатиб туради. Соат миллари бир нуқта атрофида айланган айланган. Бир нуқтадан ўтса, албатта, яна шу нуқтага қайтиб келади. Ҳаёт эса қайтиб келмайди! Соат миллари бир оз кечикса ёки шошилса уни ўзгартириш мумкин, лекин адашиб ўтган умрни қайтариб бўлмас.

Соат қисмларига ҳеч кўзингиз тушганми? Ишонаманки, улар орасида тинмай тебраниб турган маятникдан бошқа нарса эътиборингизни ўзига жалб қилмаган. Қолган қисмлар шундай охисталик билан ҳаракат қиладики, уларни кузатиш нақадар зерикарли. Шу қисмларни ўз ҳаётингиз деб тасаввур қилинг. Бу ҳаётда сизнинг ўзингиз мана шу мурувватга бошқа жойда эмаслигига ишончингиз комил бўлади. Соатингиз созлиги, бир маромда юриб туриши мана шу маятникка боғлиқ бўлгани каби ҳаётингиз мазмуни ҳам ҳаракатингизга боғлиқ. Юрагингиз уриши ҳам маятник чиқиллашига ўхшайди.

Қолган қисмлари эса сизни ўраб турган ташқи олам, борликка ўхшатиш мумкин. Ҳаётингиз мазмуни мана шу қолган қисмлар созлигига, уларнинг харакатига боғлиқ.

Сония кўрсаткичи соатингизда борми, йўқми, бунинг аҳамияти йўқ. Чунки кўпчилик унга аҳамият бермайди. Тинмай, ҳаммасидан кўпроқ ҳаракат қилиб сонияларни санаса ҳам уни камдан-кам эслайди. Ҳатто қараб ҳам қўйишмайди. Дақиқа кўрсаткичини эса сизнинг катта ишларингизга, касбингизга, оилангизга ўхшатиш мумкин. Уни камдан кам унитишади. Жуда бўлмаганда яхлитлаб айтишади. Дақиқалари бўлмаган соат соатми? Бундай соатингиз носозлиги бир қарашдаёқ билинади. Худди ишсиз, оиласиз, ҳунарсиз инсон каби. Лекин баъзида бундай соатлардан ҳам фойдаланишади. Лекин мужмал ҳаёт мазмуни кимни ҳам қизиқтиради?..

Соат милларини тўғрилашга шошилманг. Ундан кўра ўз хатти-ҳаракатларингизни созлаб олинг.

Қўлингиздаги соат ҳамон ишламоқда. Лекин сиз унинг мурватини бураб қўйишни унутманг, акс ҳолда тўхтаб қолади. Сиздан фойдаланишадими, йўқми, бу тебранишнинг маромига, атрофингиздаги қисмларнинг созлигига боғлиқ.

Ҳаёт давом этаверади, вақт эса чексиз...

Азиза НАСРИДДИНОВА

HURRIYAT O'zingni angla! Mustaqil gazeta

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Абдурасул ЖУМАҚУЛ

Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририятга юборилган хат ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тел-факс: 136-53-38. **Тел:** 136-53-31, 136-75-15

Реклама ва маркетинг бўлими: 136-56-38

Вилоят мухбирлари:

Бухоро — 8-365-715-30-57
Навоий — 8-436-321-28-77
Наманган — 8-369-412-31-54
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Сирдарё — 8-367-374-81-53
Сурхондарё — 8-376-335-10-22
Тошкент — 8-370-762-16-86
Фарғона — 8-373-225-80-58

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Фаррух ЖАББОРОВ

Топшириш вақти — 20.00
Топширилди — 23.30

® — тижорат белгиси.

Буюртма — Г-954 Т: 2266 2 3 4 5 6